VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

40 (48) 2009 йил 14 октябрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



Сиёсий шарҳловчилар

XXI асрда дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгурди. Зеро, бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тезлашдики, дунёнинг бошқа нуқтасида рўй берган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бепарво қараб бўлмайди.

➔ 6-бет



Сут инқирози

Бугунги кунда Европа қишлоқ хўжалиги жиддий инқирозни бошидан кечирмоқда. 2008 йилда юз берган молиявий-иқтисодий таназзул жаҳон бозорида сут нархининг икки баробарга пасайишига олиб келди. Бу, айниқса, қўҳна қитъа фермерлар фаолиятига салбий таъсир ўтказди.

➔ 7-бет

Либослар музейи

Бу музейнинг асосий бойлиги – турли хилдаги рақс кийимлари, хотира дафтарлар, бухоролик зардўзлар томонидан тикилган қадимий кўйлаклардан иборат, ҳатто кўҳна паранжиларни ҳам худди шу ердан топасиз.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
Ҳамжиҳатлик ва фаоллик — бош мезон
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Партиямиз келажаги ёшлар билан
Она ва бола саломатлиги йўлида
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Тинчлик ва хавфсизлик кафолати
Обод бўлаётган "Янгиобод"
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Ошиқлик-кўп қадим бинодир...
ЖАРАЁН 6-бет
Ёшлар учун меҳнат ярмаркаси
Маҳсулотга харидор кўп
Инсон саломатлиги эътиборда
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Дунёдан дараклар
Ҳақиқатга йўғрилган афсона
КЎЗГУ 8-бет
Маънавият тарғиботчилари танлови
Янги саҳна асари
Амалий санъат, дизайн ва мода намойиши
Турфа олам

Истиқлол шарофати билан ёшларимизнинг чуқур ва пухта билим олишлари учун катта имкониятлар яратилмоқда. Бу эса Президентимиз таъкидлаганидек, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, ақлли, доно ва бахтли бўлишларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Келажагимиз эгаларига билдирилаётган бундай юксак ишонч ва эътибор ўз навбатида уларда масъулият ҳиссини оширади.

ЖАРАЁН

Сиёсий партиялар сайловчилар нигоҳида

Акрам ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг нечоғлик афзалликларини бугун ҳар биримиз ҳис этиб турибмиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида икки палатали парламентнинг фаолият юритиши барчамизнинг олдимизга янги талаблар қўяди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бугун сиёсий партиялар зиммасига катта бир масъулият юкланди. У ҳам бўлса, халқимизнинг буюк тарихи ва анъаналарига таянган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқаролар турмуш даражасини тараққий топган халқлар, давлатлар даражасига кўтариш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига амалий ҳисса қўшишдан иборат.

Хусусан, фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда сиёсий партияларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Зеро, сиёсий маданият жамиятни бирлаштиришга, электорат муносабатлари барқарорлигини таъминлашга, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини англашга олиб келади.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, партиялар фаолиятини янада жонлантириш, сиёсий майдондаги соғлом сиёсий рақобат, унинг жамият ривожидаги роли, маҳаллий ҳокимиятнинг бу соҳадаги вазифалари, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этишини таъминлаш, қолаверса, уларда ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини пайдо қилиш каби муҳим масалалар борки, уларни партия электоратига етказиш ва амалга оширишда депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклашини унутмаслигимиз лозим.

Депутатларнинг тез –тез ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб бориши партия электорати борган сари кенгайишига ҳамда сайловчиларнинг сиёсий қарашлари, ҳуқуқий онгининг юксалиши ва жамиятга муносабатининг ўзгаришига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯДОШЛАР МИНБАРИ

Мақсад ва ғояларимиз замон руҳига мос бўлсин

Бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан тезроқ чиқиб кетишни истаётган ва амалда шунга интилаётган давлатларнинг барчаси, аввало, ички бозордаги талабни сақлаб қолиш, уни рағбатлантириш, фуқаролар онгида миллий ўзликни кучайтириш орқали маҳаллий корхоналар маҳсулотларини тарғиб этиш, пировард натижада бу корхоналарнинг ҳаётийлигини таъминлашга ҳаракат қилаяпти. Чунки, маҳсулоти ўтмай, омборларда тахланиб қолаётган корхоналар ишлаб чиқаришни тўхтатишга, жорий харажатларни камайтириш мақсадида эса иш ўринларини қисқартиришга мажбур бўлмоқда.

Жаҳон инқирози "бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, унга давлатнинг аралашувига чек қўйиш лозим" қабилидаги ўта жўн фикрларни қайси йўллар билан бўлмасин бошқаларга сингдиришга уриниб келган, бу борада ривожланган айрим давлатларнинг иқтисодий тизимларини дастак қилиб олганларни бундай қарашлари нотўғри эканлигини тан олишга мажбур қилди. Негаки, ўзининг турмуш тарзини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишга мойиллиги кучли мамлакатларда ҳам мутахассис у ёқда турсин, ҳаттоки оддий аҳоли ҳам иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли нақадар муҳимлигини бугунги кун мисолида чуқур ҳис этмоқда. Айнан этагини вақтида ёпиб, барча молиявий амалиётлар назорати, шунингдек, касод бўлиш, синиш арафасида турганларга кўмак бериш, қўйингки, иқтисодиёт жиловини давлат қўлига топширган ва албатта, давлат ўз фуқаролари ва жамият олдидаги вазифаларидан келиб чиқиб, зудлик билан амалий тадбирларни қўллашга киришган мамлакатлардагина инқироз хавфи чекиниб, астасекин ўзини ўнглаш аломатлари бўй кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚАРОР ВА ИЖРО

Электрон ҳамён – қулай тўлов воситаси

Юртимизда пластик карточкалар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш тизими тобора такомиллашаётгани аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 апрелда қабул қилинган "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ҳисоб-китоблардаги қулай ва ишончли восита – пластик карточкалар иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

"Микрокредитбанк" пластик карточкалар тизимини янада ривожлантириш ва аҳолига қулайлик яратиш борасида фаол иш олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мижозларга янги технологиялар асосида банк хизматлари кўрсатиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор мижозлар истаги ва манфаатларига қаратилмоқда.

Банк матбуот хизматидан маълум қилишларича, пластик карточка эгаларига нақд пулсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини такомиллаштириш жараёнида "Микрокредитбанк" пластик карточкалар бозорида пешқадамлар сафидан ўрин олди. Ҳозир банк муомалага чиқарган 176 минг дона пластик карточка орқали тўлов терминалларидан юртимиз ҳудудида амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажми 78 миллиард сўмдан ортди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 5 маротаба кўп демакдир.

Пластик карточкалардан фойдаланувчи мижозлар сони кескин кўпайганлигини ҳисобга олиб, уларга хизмат кўрсатиш инфраструктурасини янада ривожлантириш мақсадида банк томонидан зарур миқдорда маблағ ажратилмоқда. Жумладан, ҳозир терминаллар сони 1822 донага етди.

Банк мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига аҳолининг кунлик эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни етказиб беришда автоулов хизматидан фойдаланган ҳолда, маҳсулотларни сотиш ва бу орқали терминаллардан тўловлар ҳажмини ошириш бўйича янги хизмат турларини жорий этмоқда. Бундан ташқари, банкда коммунал ва сервис хизматлари кўрсатувчи корхоналарга бевосита махсус карточка хисобварақларидан пул ўтказиш тўғрисида мижозлар берган давомли ва бир марталик топшириқларни бажариш хизмати йўлга қўйилган. Шунингдек, масофадан мижозларга хизмат кўрсатиш мақсадида вилоят филиалларида модем ускуналари ўрнатилиб, кунлик тўловлар ва инкассациялар қабул қилиш имконияти яратилди. Бунда мижознинг талабига кўра, 24 соат давомида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ҳозир банк терминалларидан барча тижорат банклари мижозлари ўз ҳисоб рақамларидаги маблағларини карточка ҳисоб рақамларига ўтказиш ҳамда ҳисоб рақамларидаги маблағлар тўғрисида доимий маълумотга эга бўлиш имконияти ҳам яратилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЖАРАЁН

Сиёсий партиялар сайловчилар нигоҳида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ўзгаришларни, амалга оширилаётган ислоҳотларни фуқароларга тушунтириш ва уларда бу жараёнларга қизиқиш уйғотиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда кенг жамоатчиликнинг ҳам иштирокини таъминлашда сиёсий партияларнинг роли юксак бўлиши керак.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз номи билан миллий қадриятлар ва урф-одатларни авайлаб-асровчи, миллий тараққиёт ва миллий тикланиш ғоясини ўз эътиқоди деб билувчи фуқароларимизнинг манфаатларини ҳимоя этишга ҳисса қўшишга интилаётган сиёсий партиядир.

Инсон ҳеч қачон ғоясиз яшай олмайди. Ғоясиз одам беқарор одам. Ундай одамлар давлатга ҳам, жамиятга ҳам фойда келтирмайди. Ватанпарварлик ва мардлик каби икки буюк хислат борки, бу қадим даврлардан буён аждодларимиздан бизгача мерос бўлиб келмоқда. Миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси ҳамда муқаддас анъаналаримиз халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган урф-одатлари ва қадриятлари билан бевосита боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда миллий мафкура ва миллий ғояни биринчи навбатда ёш авлоднинг онгига сингдириш, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Фракция аъзолари томонидан электоратни шакллантириш, аҳоли ўртасида партиянинг обрў-эътиборини янада ошириш, партия Дастурида белгиланган ғоя ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш, уларни кенг оммага тарғиб-ташвиқ қилиш орқали халқ ичига чуқур кириб боришга қаратилган саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида партиянинг Устав ва Дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, миллий анъаналарни ва қадриятларни асраб-авайлаш нуқтаи назаридан фаол иштирок этмоқда.

"Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор –қидирув фаолияти тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида" ги ва бошқа шунга ўхшаш бир қатор қонун лойиҳалари фракция аъзоларининг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ғояларидан келиб чиқиб билдирган таклиф ва мулоҳазалари асосида тубдан янгиланди ва мазмунан бойитилди.

Фракция қонунчилик фаолиятини такомиллаштиришни мақсад қилиб, қонунлар ижроси билан бевосита алоқадор бўлган ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини, уларнинг таклифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини палатанинг ялпи мажлисида эшитишни ўз фаолиятининг асосий йўналиши қилиб белгилаб олган.

Фракция аъзоларининг қонун ташаббуси ҳуқуқи асосида ўндан ортиқ қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасига киритилди ва қабул қилинди.

Фракция аъзолари ҳар бир сайловчи мурожаатига масъулият билан ёндошмоқда. Бу ҳам партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳлар таркибида фракция аъзолари доимо фаол иштирок этиб келишмоқда. Фракция аъзолари қонунларнинг жойлардаги ижросини амалга оширишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш мақсадида таклиф ва тавсиялар билан чиқмоқдалар.

Фракциянинг иш режасига асосан депутатлар томонидан жойларда жуда кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Ўтказилган тадбирларда асосий эътибор мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ривожланишига, мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, уларга яратилаётган шароит, умуман олганда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказишга, ёшларда миллий ўзлик ва миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашда партиянинг ролини оширишга, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон ташаббусларини халққа тушунтиришга, глобаллашув жараёнида ахборот хуружи ва унинг салбий оқибатлари ва бу соҳада оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифаларга, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилди.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар олидида ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. Ана шуларни ҳисобга олиб, партиямизнинг туман, шаҳар ва вилоят кенгашлари билан биргаликда ҳудудларда партиямиз вакилларини сайлов қонунчилигидан хабардор этиш мақсадида фракциямиз депутатлар иштирокида ўқишлар ташкил этилди. Яъни, "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти жойлардаги партиямиз вакилларига тушунтирилди. Бундан кейин ҳам бу каби тадбирларни давом эттириш, режалаштирилган. Сайлов уни ташкил этадиган сиёсий партиялар аъзоларидан кучли билим ва тажриба, айниқса, сайлов қонунчилигини чуқур ўзлаштиришни талаб этади. Бу эса фракция аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?

- Судланган шахслар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаслиги ҳақида маълумотга эгаман. Бунинг сабаби нимада? Менинг бир танишим автоавария содир қилиб судланган. Бироқ ўзи ниҳоятда билимдон, сиёсатга қизиқиши катта. У депутатликка номзодини қўйиши мумкинми?

Жасур ҲАМИДОВ,
Самарқанд вилояти

- Мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги сезиларли даражада эркинлаштирилиши ва демократлаштирилиши натижасида айрим тоифадаги фуқароларнинг сайловда иштирок этишига доир бир қатор чекловлар олиб ташланди. Масалан, аввал амалда бўлган қонунга мувофиқ жиноятнинг ва тайинланган жазонинг қай даражада оғирлигидан қатъи назар, содир этилган ҳар қандай жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас эди. Бироқ, ўтган йили қабул қилинган ҳамда жорий йилнинг 1 июлидан кучга кирган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мазкур чекловлар қайта кўриб чиқилди. Эндиликда фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар. Бу эса фуқароларга сайловларда иштирок этишлари учун кенг имконият бермоқда.

- Сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш учун сайловчилар имзоларини битта ёки иккита вилоятдан тўплаши мумкинми?

Нодира ҲАСАНОВА,
Бухоро вилояти

- Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сонининг камида беш фоизини ва камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма вакиллари бўлган сайловчиларнинг имзосини тўплаган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партиялар имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сайловда ошкораликнинг таъминланиши "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда белгиланган нормаларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Халқаро ҳуқуқ амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига биноан ҳар бир сайловчи бир номзодни қўллаб-қувватлаб овоз бериши мумкин. Ушбу халқаро пакт мамлакатимиз томонидан 1995 йилда ратификация қилинган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги тегишли моддаларда сайлов кампанияси, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда сайловларни ўтказиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ўз аксини топган. Ўз навбатида, сайлов қонунчилигимизда ҳам сайлов кампанияси ҳамда сайлов жараёни билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳар бир фуқаро фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, сайлов бюллетенига бир марта имзо қўйиши мумкин.

Сайловчилар сайлов бюллетенига имзо қўяётган вақтида ўз фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани албатта кўрсатадилар.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Жавобларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Акрам ЖУМАЕВ тайёрлади.

ПАРТИЯДОШЛАР МИНБАРИ

Мақсад ва ғояларимиз замон руҳига мос бўлсин

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эътиборли томони шундаки, жаҳон инқирози шароитида қанчалик ҳаққонийлиги такрор-такрор исботини топаётган айни жиҳатлар Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсад ва ғоялар тўғри танланганлигини тасдиқлайди. Жумладан, миллий анъаналарни ва қадриятларни сақлашни ўзининг асосий вазифаси сифатида илгари сурадиган партиямиз ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиши лозим.

Иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофоти совриндорлари, дунёнинг кўзга кўринган иқтисодчилари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини камайтириш учун аҳолининг бандлигини сақлаб қолиш, янги иш ўринлари яратишга ҳеч иккиланмай маблағ тикиш зарурлигини уқтирмоқда. Ушбу жиҳатлар ҳам аҳоли фаровонлиги ва унинг даромадлари ўсишини таъминлашни ўзининг бурчи деб биладиган партиямизнинг ижтимоий соҳадаги вазифаларига ҳамоҳангдир.

Глобал инқироз, турли таҳдидлардан ҳимояланишни кучайтириш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий хавфларни олдини олишнинг муҳим шарти фуқаролар ўртасида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш эканлиги бугун барчага аён. Ташқи таҳдид, салбий ижтимоий ҳодисаларга лоқайдлик билан қараган тарқоқ жамият ҳеч қачон бундай хатарларни енгиб ўтолмаслиги аниқ. Шу маънода, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фуқаролар онгида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш борасидаги ғоялари ниҳоятда пухта ўйланганлигини намоён этиб, ҳозирги шароитда ҳар қандай жамиятнинг эҳтиёжлари учун зарур омил сифатида кун тартибига чиқмоқда.

Сўзимизни мухтасар қиладиган бўлсак, айтиб ўтганларимиз шунчаки баландпарвоз гаплар эмас, аксинча Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз олдига қўйган мақсад ва ғоялар замон руҳига мос эканлигининг, нафақат миллий, балки халқаро кўламда баҳо берилганда ҳам устувор аҳамият касб этишининг тасдиғи сифатида ҳар бир партиядошимизни фахрланишга ва ғурурланишга ундайди.

Шуҳрат СУЮНОВ

ФАОЛИЯТ

Ҳамжиҳатлик ва фаоллик – бош мезон

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши таркибида 1836 нафар партия аъзолари бирлашган бўлиб, 38 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритиб келмоқда

Партия маҳаллий ташкилотлари фаолиятини жонлантириш ва партия Устави талаблари даражасида ишни ташкиллаштириш борасида ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши томонидан талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур партия ташкилотининг фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, энг аввало эътиборни тортган жиҳат бу партия фаолларининг иш услубида, биринчи навбатда ёшларни миллий истиқлол ғояси, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш устувор вазифа қилиб белгиланганлиги бўлди. Буни партия ташкилотининг йил давомида ўтказган тадбирларидан яққол кўриш мумкин.

Кенгаш сафида бирлашган фаол аъзолар ҳамжиҳатлик ва ташаббускорликни қўлга олиб, ўз фаолиятларини Ватан тараққиёти, юрт истиқболи сари йўналтиришни бош мақсад қилиб қўйишган.

Ўсиб келаётган ёшларимизнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бериш, юрт тинчлиги ва барқарорлиги йўлида ҳамиша огоҳ туриш, қолаверса аҳолининг соғлом турмуш тарзини янада яхшилашда муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир партиядошларимизнинг олдидаги масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партия ташкилоти кенг жамоатчилик ҳамкорлигисиз бирон бир натижага эришиши қийин. Ана шу мақсадда кенгаш аъзолари билан доимо шу масалага алоҳида эътибор бериб келинаяпти ва иш режаси ҳам шунга мувофиқ тузилган десак муболаға бўлмайди. Буни "Камолот" ЁИҲ шаҳар бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармалари, шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими ва бошқа йирик ташкилот ва корхоналар ҳамкорлигида узлуксиз равишда қилинаётган тадбирлар мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари партиядан сайланган Термиз шаҳар кенгаши депутати Чори Қурбонов сайловчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, кенгаш фаолиятини кенг оммага яқиндан таништиришга кўмаклашиб келаяпти. Депутат фуқаролар ва электорат фикрини эшитади, мавжуд бўлган муаммоларни бартараф қилиш чорасини қидиради. Жумладан ичимлик суви, электр энергия ва газ таъминотини янада яхшилаш, шунингдек, маҳалла йўлларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш унинг депутатлик фаолиятини қамраб олади. Партиямиз ишини янада жонлантириш, аҳоли ўртасида партиянинг обрў-эътиборини янада ошириш, ғоя ва мақсадларини эса ҳаётга тадбиқ этиш фаолларнинг асосий иш мезонига айланган. Партия сафида бирлашган аъзолар орасида тадбиркорлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Улар кам таъминланган оилалар ва ногиронларга ёрдам бериш билан бирга шаҳар кенгаши томонидан ўтказилаётган турли тадбирларга ҳам яқиндан кўмак бериб келишаяпти. Одамлар орасига ишонч билан кириб, улардаги мавжуд бўлган айрим муаммоларни бартараф этишга бўлган интилиш ва саъй-ҳаракат ўз навбатида аъзоларнинг сон жиҳатидан кўпайишига ва сифат жиҳатидан яхшиланишига асосий омил бўлмоқда.

- Энг асосийси, яқинлашиб бораётган сайлов жараёнлари тўғрисида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Чунки бу жараён мамлакатимиздаги сиёсий партиялар олдидаги энг муҳим синов ҳисобланади. Шунинг учун бу сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўриб келаяпмиз,- дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси раиси Дилфуза Ражабова.

Фаоллик ва ҳамжиҳатликни фаолиятининг бош мезонига айлантирган мазкур партия ташкилотининг амалга ошираётган эзгу ишлари, унинг келажакдаги муваффаққиятларига замин яратмоқда.

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

МУЛОҚОТ

Айни кунларда сиёсий партиялар фаолияти янада жонланди. Буни кўпчилик бу йил бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга боғлашади. Лекин сиёсий партияларнинг молиялаштирилиши, улар фаолиятига қаратилган бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг амалда ривожланиши ва мустаҳкамланишига, сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатаси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг фаолиятига ва улар томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсири кучайишига кўмаклашди.

Партиямиз келажаги ёшлар билан

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши таркибида бу имконият ва ваколатлардан фойдаланган ҳолда самарали фаолият юритиб келаётган партия ташкилотлари кўпчиликни ташкил этади. Албатта яхши натижага мақсад-вазифаларнинг аниқ белгиланганлиги ва изчил амалга оширилиши, партия фаолларининг тинимсиз саъй-ҳаракати билан эришилади.

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши ана шундай фаол ташкилотлардан биридир. Туманда партия аъзолари 815 нафарни ташкил этади. Улар 18 та бошланғич партия ташкилотлари сафига бирлашган. ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Тўймурод Якибов билан суҳбатимиз партия фаоллари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар хусусида бўлди.

- Тўймурод Қиличевич, касбингиз ўқитувчи бўлганлиги боис саволимиз сизга мушкуллик туғдирмаса керак. Айтингчи, баркамол авлод тарбияси, ёшларни партия сафига янада кўпроқ жалб қилиш борасида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш, қандай ишларни амалга ошириш зарур, деб ўйлайсиз?

- Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг чекучегараси йўқ. Президентимиз ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти, шижоати ва куч-қудратига таяниб, Ўзбекистон келажагига буюк давлат дея баҳо берганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Ана шундай катта ишонч туфайли ўтган 2008 йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинди.

Қолаверса, ёшлар иқтидорини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантириш мақсадида, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Келажак овози", "Ниҳол" кўрик-танловлари, шунингдек уч босқичдан иборат "Универсиада", "Баркамол авлод" ва "Умид ниҳоллари" каби спорт мусобақалари ўтказилаётгани ҳам ўзининг беқиёс самарасини бермоқда. Ёшларимиз орасидан юртимиз номини дунёга танитаётган спортчилар, истеъдодлар етишиб чиқаётирки, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айниқса, ўзимизнинг Қорақўл туманидаги қишлоқ лицейи ўқувчиларининг жаҳон фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритаётганликлари ҳар бир ватандошимизни кўнглини ғурурга тўлдиради. Шу билан бир қаторда ёшларимизни миллий ғоя, миллий анъаналар ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳам энг асосий вазифамиздир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши туфайли мамлакатимизда юзлаб замонавий коллеж ва лицейлар бунёд этилди. Фарзандларимиз таҳсил оладиган ўрта таълим мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Буларнинг ҳаммаси ёш авлод, қолаверса мамлакатимизнинг истиқболини ўйлаб қилинаётган ишлардир.

Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз, ўтказаётган тадбирларимиз самараси ўлароқ сафимизда ёшлар кўпаймоқда. Айни кунда партия аъзоларининг тенг ярмига яқинини ёшлар ташкил этмоқда. Фаолиятимизда ёшларга янги иш ўринлари яратиш, иқтидорли талабаларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қиляпмиз. Ушбу амалий ишларимиз туфайли ёшларимизнинг партиямизга бўлган ишончи ошишига эришаяпмиз.

- Биз истиқлолни қўлга киритгандан сўнггина ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлдик. Озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга киришдик. Шу ўринда мустақиллигимиз берган имкониятлар ҳақида тўхталсангиз.

- Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай ёзади: «Маълумки, биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди».

Дарҳақиқат, истиқлол туфайлигина бизни дунё таниди, динимиз, тилимиз ўзлигимизни қайта топдик. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб қолдик. Бугун улар ўзининг бетакрор жозибаси билан дунёни лол этмоқда.

Биз тезкор ахборот асрида яшаётган бир пайтда ёшларимизни миллий ғоямиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз руҳида камол топтираётганлигимиз ҳам истиқлол туфайлидир. Бу эса бизнинг юртимиз келажагини таъминлашдаги энг катта ютуғимиздир. Партиямизнинг олдида ҳам ана шундай масъулиятли вазифа турганлигини ҳар бир аъзомиз чуқур англаши лозим.

Биз яқинда ўтказган "Мустақиллик ёшлар нигоҳида", "Ёшлар Ватан келажаги" ва " Мустақиллик юрт тинчлиги ва барқарорлиги, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги ҳамда демократик жамият барпо этишнинг гаровидир" номли тадбирларимиз ҳам юқоридаги эзгу ниятлар йўлида хизмат қилади.

- ЎзМТДП Вобкент туман кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқалари ҳақида гапирсангиз.

- Тадбирларимизни ташкил этишда жойлардаги бошланғич ташкилотларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Аниқроқ айтадиган бўлсак, улар бизнинг қанотларимизга айланишган. Қанотсиз эса парвоз қилиб бўлмайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бошланғич ташкилотларимизнинг ҳаммасини ҳам кўнгилдагидек ишлаяпти дея олмаймиз.

Лекин, бугун партия ғояларини тарғибот-ташвиқот қилишда ҳамда тадбирларимизни ташкил этишда туман маданият ва спорт ишлари бўлимидаги бошланғич партия ташкилоти раиси Сайфулло Нарзиев, "Вобкент" маҳалла фуқаролар йиғинидаги БПТ раҳбари Бозор Рамазонов, "Холвагарон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ташкилотимиз раиси Собир Маҳмудов ва "Чангарон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги БПТ етакчиси Кимёхон Қурбонова алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда Шунингдек, улар туманда партия аъзолари сонини оширишда ҳам, "Миллий тикланиш" газетасининг обунасини ташкил этишда ҳам ҳар доимгидек етакчилик қилиб келишмоқда.

- Жорий йил декабрь ойидаги муҳим сиёсий жараён - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда ЎзМТДПнинг муваффақиятли иштирок этишида ҳам кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари катта роль ўйнайди. Сайловга тайёргарлик, уни юқори даражада ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

- Сиёсий партиялар учун муҳим жараён — сайловлар яқинлашгани сайин ҳали қилинадиган ишлар кўплиги аён бўлиб бораяпти.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олий Мажлис палаталари томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу мамлакатимизнинг сайлов тизимини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Биз сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни партиямиз аъзолари ва аҳолига етказиш учун ўнлаб тадбирлар ташкил этдик ва бу тарғибот-ташвиқот ишлари давом этаяпти. Жумладан, Қонунга янги "Сиёсий партиянинг ваколатли вакили" институти киритилди, номзодларимизнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга оширилди. Булар сайловдаги ошкораликни таъминлайдиган асосий омиллардандир.

Албатта, сайловга кўраётган тайёргарлик ишларимиз қизғин кечмоқда. Аммо, ундан қониқиш ҳосил қилиш ғалвирни сувдан кўтарганимизда аён бўлади.

ҒУРУР

Истиқлол тенгдошлари

Бугун биз топганимизни ўзимизники деб бемалол айта оламиз. Дастурхонимиз тўкин, эркимиз ўз қўлимизда. Энг муҳими эса жону-танимиздек азиз Ватанимизда тинчлик, осойишталик. Шу боиски бундай бахтни инъом этган истиқлол қадрини ҳар дақиқада ҳис этиб турамиз.

Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони матбуот котиби

Икки юз нафар ёшлар иштирокида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят кенгаши томонидан ўтказилган "Истиқлол тенгдошлари" номли тадбирдан кўзланган мақсад ҳам истиқлол йилларида Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар, уларнинг бугунги кунда бераётган самараси ўлароқ юртимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётганлиги ҳақида иштирокчиларга янада кенг тушунтириш бериш, шунингдек партиямизга аъзо бўлишга хайрихоҳлик билдирган 18 ёшга тўлган истиқлол тенгдошларига аъзолик гувоҳномаларини тантанали тарзда топширишдан иборат бўлди.

Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган майдонда тантанали ва байрамона руҳда бўлиб ўтган тадбирда дастлаб иштирокчилар улуғ саркарда ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Унда Олий мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Тўхтабоев, Халқаро "Бобур" жамғармаси раиси Зокиржон Машрабов, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Назиржон Саидов, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, шоира Хуршидабону, тарихчи олим Сайфиддин Жалилов, шоир Обиджон Маҳмудов, вилоят корейс маданияти маракази раиси Вячеслав Ким иштирок этдилар.

Тадбирни очган ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Комилжон Отахонов ўз сўзида қуйидагиларни гапириб ўтди: - Аҳолимизнинг 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этади. Аён ҳақиқатки, ёшларга эътибор келажакка пойдевор бўлиб хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Шу маънода мамлакатимизда ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Бугуннинг ёшлари шуни яхши англайдиларки, мустақиллик йилларида бой тарихимиз, муқаддас динимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш ҳаёт тарзимизга айланди.

Шундан сўнг ёш ижодкорлар Ватан, мустақиллик, улуғ аждодларимиз, жумладан, шоҳ ва шоир Бобурни мадҳ этувчи шеърлар ўқидилар. Таниқли хонандалар Миродил Ҳакимов, Рўзихон Нурматова томонидан ижро этилган шўх куй-қўшиқлар, "Наво" дастаси балетмейстери Наргизахон Аҳмадалиева бошчилигидаги раққосаларнинг рақслари тадбирга ҳақиқий байрам тусини берди.

- Ўтмишсиз келажак йўқ деган нақл ушбу тадбирнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда. Миллий анъаналаримиз, қадриятларимизнинг тарихи ўша буюк сиймоларимиз ҳаёт йўлига бориб тақалади. Биз ўзлигимизни англаган, келажаги буюк юрт фарзандларимиз,- дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Сардор Даминов. - Тадбирнинг айнан шоҳ ва шоир Бобур номи билан аталган майдонда ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Биз уларнинг босиб ўтган йўлидан ўзимизга сабоқ олмоқдамиз. Истиқлол туфайли буюк сиймоларимиз номлари, улар барпо этган кўҳна обидалар қайта тикланди. Бу каби эзгу ишлар ёшларимизни буюк тарихимизга ҳурмат билан қарашга, аждодлариимиз бошлаган ишларни садоқат ва меҳр билан давом эттиришга ундайди.

Шу куни бир гуруҳ ёшларга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди. Шунингдек, вилоятдаги иқтидорли ёшлар рағбатлантирилди, муваффаққиятларга эришаётган спортчилар партия вилоят кенгашининг совғалари билан тақдирланди. Бир сўз билан айтганда, тадбир йиғилган ёшларда катта таассурот қолдирди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Она ва бола саломатлиги йўлида

Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бу борада қабул қилинаётган Фармонлар, Давлат дастурлари мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилиши, комил инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Президентимизнинг жорий йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори соғлом турмуш тарғиботини кучайтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи бирламчи бўғинлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги амалий ишлар кўламини кенгайтирмоқда. Бу борадаги изчил ислоҳотларни амалга оширишда партиямиз аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Соғлом она - соғлом фарзанд келажак пойдевори" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Тадбирни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фарҳод Норматов олиб борди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилшода Ҳайдарова мамлакатимизда шу йилнинг 1 июлида қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Президентимиз Қарори моҳияти ва бу муҳим ҳужжатда белгиланган вазифа ҳақида батафсил тўхталди. Шунингдек, унда иштирок этган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Роза Бегимқулова, вилоят перетонал маркази бош шифокори Шаҳло Назарова ҳамда Ҳалима Ҳусанова, Дилором Эркабоева каби соҳа мутахассислари сўзга чиқиб, тиббиёт тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотларни амалга оширишда ҳар бир фуқаро фаол бўлиши, энг аввало ўз оиласида соғлом муҳитни қарор топтиришга чуқур эътибор қаратиши зарурлиги, бу борада тушунтириш-тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошириш хусусида гапирдилар.

Тадбирда сўз олган ЎзМТДП Гулистон тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Баҳринисо Норжигитова, партия фаоллари Дилором Исмадиёрова, Гавҳар Бойқулова, Ҳасан Абдувоҳидов юртимизда жисмонан етук ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган мазкур ҳужжатлардаги долзарб масалаларни кенг оммага етказишда партия аъзолари олдида турган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар. Тадбир қизиқарли савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой ўтди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҲАМКОРЛИК

Тинчлик ва хавфсизлик кафолати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 21 августдаги ўн тўққизинчи ялпи мажлисида «Қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2009 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган ва Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 20 августда қабул қилинган.

Дилшод РАҲИМОВ,
Адҳам ХУДАЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари

Қонуннинг асосий мақсади Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2008 йил 28 августда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида имзоланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ратификация қилишдан иборат.

Битимдан кўзланган **асосий мақсад** миллий қонунчилик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига асосланган ҳолда қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда биргаликда самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу Битимга асосланган ҳолда, миллий қонунчилик ва халқаро шартномалардан келиб чиқиб томонлар ўзларининг ваколатли органлари орқали қуроллар ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда, аниқлашда, очишда ҳамда уларга барҳам беришда ҳамкорлик қилишади.

Битимнинг 3-моддасида Томонлар ҳамкорлигининг **асосий йўналишлари** белгилаб берилган. Унга кўра томонлар ҳамкорлигининг асосий йўналишлари сифатида қуролларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва бу соҳадаги томонлар миллий қонунчилигини уйғунлаштириш, жиноятчиликнинг ҳолати ва динамикасини ҳамда қурол айланишига қарши кураш соҳасида эришилган натижаларни таҳлил қилиш, қурол савдосига қарши кураш борасида умумий стратегиялар ҳамда биргаликдаги чоралар ишлаб чиқиш, томонлар ваколатли органларининг қурол айланишига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги борасида ишларини мувофиқлаштириш ҳамда самарали механизмлар жорий қилиш, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва халқаро форумларда иштирок этиш учун позицияларни келишиб олишни белгилаб олади.

Битимда ҳамкорликнинг ахборот алмашинуви, тезкор қидирув тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги сўровларни ижро этиш, тажриба ва малака алмашинуви, хизмат учрашувлари, маслаҳатлашувлар, мажлислар, амалий конференциялар, семинарлар ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ўзаро кўмаклашиш, қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш, биргаликда илмий тадқиқотларни амалга ошириш, илмий тадқиқотлар натижалари ва методик тавсияларни алмашиш каби ҳолатлар асосий шакллари этиб белгиланган.

Масаланинг **долзарблиги** шундан иборатки, қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний савдосининг 1/4 қисмини ноқонуний савдо ташкил қилади. Бугунги кунда дунё мамлакатлари ихтиёрида бўлган кичик ўқотар қуроллари сони 200 миллиондан ошади. Уларнинг 16.360.000 донаси, яъни 8% Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан расмий рўйхатга олинган. Ана шу сабабли можароларнинг ҳудуди ҳамда динамикаси кенгайиб, кўплаб бегуноҳ инсоннинг ўлимига олиб келяпти. Маълумотларга қараганда ўтган асрнинг 90-йилларидан шу кунга қадар турли хил этник, миллий, трансмиллий можаролар 4 миллиондан ортиқ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган. Айрим давлатлардаги анархия ва бош-бошдоқлик натижасида давлат тизими қулаб, қонун устуворлиги таъминланмаслиги оқибатида қочоқлар ва уйсизларнинг сони йилдан йилга кўпаймоқди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) регионал халқаро ташкилот бўлиб, 2001 йилда Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг раҳбарлари томонидан ташкил этилган. ШҲТнинг умумий майдони 30 миллион км², яъни Евроосиёнинг 60% ҳудудини ўз ичига олади. Ташкилот демографик жиҳатдан дунё аҳолисининг 1/4 қисмини ўзида бирлаштиради. Иқтисодий салоҳияти Хитойдек дунёнинг иккинчи энг йирик иқтисодиётини, Россиядек энг йирик энергоресурслар мамлакатини ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон сингари минерал ресурсларга бой давлатларни ўз ичига олади. Геосиёсий жиҳатдан эса "хартланд" (дунё юраги) деб номланган худуднинг асосий қисмини ташкил қилади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти самарали минтақавий тузилма бўлиб, халқаро муносабатларда иштирок этишга ҳақлидир. Ташкилот нафақат минтақада, балки глобал миқёсда ҳам тинчликни таъминлашда айтарли даражада аҳамиятга эга. Унинг энг муҳим аҳамиятларидан бири шундаки, ташкилот ҳарбий блок саналмайди. Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифаси кенг ҳудудда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризм, сепаратизим, экстремизм, наркотик савдосига қарши курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодиёт ва энергоресурслар соҳасидаги муносабатлар ҳамда илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобланади.

Шубҳасиз, Ўзбекистон, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги муносабатларга алоҳида эътибор билан қарайди. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 2009 йил 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: "**Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ШҲТнинг минтақада ҳамда дунёда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга, сепаратизмга, экстремизмга ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш ҳамда Марказий Осиёдек стратегик жиҳатдан муҳим минтақада хавфсизликнинг бошқа таҳдидларига қарши кураш борасидаги ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда.**"

Масаланинг долзарблиги шундан иборатки, қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний савдоси дунёнинг кўпгина давлатларида фуқаролик урушларининг келиб чиқиши, миллий ва трансмиллий жиноятчиликнинг ортиши ҳамда турли террористик ҳамда экстремистик гуруҳларни ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишларига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳам Ўзбекистон билан минтақадаги етакчи давлатлардан бири сифатида ўзаро муносабатларга алоҳида урғу беради. Бунинг асосий сабаблари, **биринчидан**, давлатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти ҳамда барқарор ривожланиш йўли, **иккинчидан**, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамда глобал хавфсизликни таъминлашдаги сиёсий позицияси, **учинчидан**, мамлакатимизнинг минтақада ва шу орқали жаҳонда тинчликни таъминлашда қўл келадиган қулай геосиёсий жойлашуви ҳисобланади.

Ушбу Битим муқаддима, 15 модда ҳамда якунловчи қоидалардан иборат. Битимнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда миллий қонунчилигимизга зид бўлмай, қонунчиликка қўшимча ва ўзгартишлар киритишни талаб қилмайди. Битим Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро шартномалар тўғрисида"ги Қонунининг 14 моддаси талабларига тўла мос келади.

«Қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, Томонларнинг қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда амалга оширадиган курашларининг келажакдаги истиқболлари учун хизмат қилади.

"ҚИШЛОҚ ТАРАККИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Обод бўлаётган "Янгиобод"

"Янгиобод" қишлоқ фуқаролар йиғини Сардоба туманидаги энг йирик аҳоли масканларидан саналади. Айни вақтда бу масканда 7600 нафар аҳоли умргузаронлик қилади. Ҳудудда 3 та умумтаълим мактаби, 2 та қишлоқ шифохонаси, 2 та мактабгача таълим муассасаси, 25 та маданий-маиший ва сервис хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолият кўрсатади. Истиқлол йилларида Янгиобод ўзгача чирой очиб, янада обод бўлди. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, янги иншоотлар, уй-жойлар бунёд этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди

Қишлоқ мулкдорлари бўлган фермер ва тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳудудда бир қатор янги иншоотлар қад ростлади. Жумладан, қишлоқнинг ишбилармон кишиларидан бири Абдураҳмон Абдусаломов ўз маблағи ҳисобидан замонавий қиёфага эга бўлган 100 ўринли тўйхона бунёд этди. Яна бир тадбиркор Худойберди Расулов эса банк кредити эвазига янги ҳаммом қуриб қишлоқдошларига қулайлик яратди. Қишлоқнинг фаол аёлларидан бири Юлдуз Хўжақулова эса тикув цехини ташкил этиб 10 нафар қиз-жувонни иш билан таъминлади. Қишлоқ аёллари аввал янги кийимбош тикириш учун узоқ йўл босиб туман ёки вилоят марказига қатнар эдилар. Энди бу оворагарчиликларга чек қўйилди. Қишлоқ фермерлари ва тадбиркорлари кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам бош қўшаяптилар. Улар ҳомийлигида 16 та кам таъминланган кўп болали хонадонларга бир бошдан бепул қорамол тарқатилди. 20 нафар ётиб қолган бемор ва ногиронларга мунтазам равишда хайрия ёрдамлари бериб борилаяпти. Маҳалла фаолларининг ташаббуслари билан йил бошида 270 та кўп болали оилага ҳосилдор майдонлардан 25 сўтиҳдан томорқа ажратилди. Ажратилган томорқалар туфайли оилаларнинг иқтисоди тубдан яхшиланиб, хонадонларга қут-барака кирди. Қишлоқда 7 хазинанинг бири бўлган паррандачилик равнақ топаяпти. Бу хайрли юмушга Ҳасанбой Ҳожиматов бошқош бўлаяпти. У 50 минг жўжа очадиган инкубаторни ишга туширди. Бу саховатпеша инсон ҳудуддаги фермер хўжаликлари ва хонадонларни арзон нархдаги жўжа билан таъминламоқда. Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини таъминлаш юзасидан катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаяпти. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар ҳомийлар томонидан тўлиқ таъмирланиб, томлари шиферланаяпти. Йўлларга тош тўкилиб, асфальт ётқизилмоқда. Шунингдек, ичимлик суви тармоқлари ҳам таъмирланиб, аҳолига катта қулайликлар яратилаяпти. Бу хайрли ишларда Исматилла Ибрагимов, Карим Турдиев, Аброр Маматқулов, Нуриддин Сайфуллаев каби қишлоқ фаолларининг хизмати бениҳоя катта бўлмоқда.

А.НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ҚОНУН ВА ИЖРО

Одиллик сари қадам

апелляция институтининг афзалликлари бунга асос бўлмоқда

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ судлар ихтисослашуви амалга оширилди. Мамлакатимизда фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш баробарида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Ф.ЙИГИТАЛИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

Шу билан бирга 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга кўра апелляция институти жорий этилиб, ўз навбатида Жиноят процессуал кодексига "Апелляция тартибида иш юритиш" ҳақидаги янги боб киритилди. Аввал ҳукм юзасидан фақат кассация ва назорат тартибида шикоят ёки протест келтириш мумкин бўлган бўлса, ҳозир у анча такомиллашди. Фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суд қарорларининг асослилигини текшириш имкониятлари яратилди.

Апелляция институтининг яна бир афзаллиги, эҳтиёт чораси сифатида озодликдан маҳрум қилинган ва апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш истагини билдирган айбланувчига қулайлик яратиб бериш ҳамда унинг эркинлигини кафолатлашдир. Апелляция тартибида иш юритиш кассация тартибидан фарқли ўлароқ, апелляция инстанцияси суди тўлиқ суд тергови ўтказиши, биринчи инстанция суди томонидан кўрилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра ҳуқуқий баҳо бериши кўзда тутилади. Бу эса апелляция институтининг яна бир муҳим хусусиятларидан бўлиб, қонунга мувофиқ ҳукм чиқариш имкониятини беради. Апелляция инстанцияси янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш каби процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Суд тергови тўлиқ бўлмаса, бир ёқлама олиб борилса, йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилганидан сўнг апелляция инстанцияси суди жиноят квалификацияси ўзгартилиши зарурлиги ҳақидаги хулосага келса, ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлмаса, апелляция инстанцияси суди маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмай туриб, уларга тегишли баҳо бера олса ёки бошқа вазиятларда ҳукм ўзгартирилиши шарт.

Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилганлигининг аниқланиши апелляция инстанцияси судини шикоят, протестда келтирилган бошқа важларни ҳам мазмунан кўриб чиқиш ва улар бўйича ажримда тегишли хулоса чиқариш мажбуриятидан озод этмайди. ЖПК 494-моддасининг иккинчи қисми мазмунига кўра, ҳукм апелляция инстанцияси суди томонидан маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга фақат жабрланувчи (унинг вакили)нинг шикоятида, прокурор протестида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши мумкин. Масалан, шикоятда фақат маҳкумнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суд ҳукмни жазонинг енгиллиги сабабли бекор қилишга ҳақли эмас. Жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги ёки жазонинг енгиллиги тўғрисидаги шикоятлари ҳукмни маҳкумнинг аҳволини оғирлаштириш томонга ўзгартиришга сабаб бўла олмайди. Апелляция инстанцияси суди ҳукмни бекор қилиб, ишни янгидан судда кўришга юбораётганда, ўз ажримида қандай ҳолатлар бунга асос бўлганлиги ва йўл қўйилган қонун бузилиши қандай бартараф этилиши кераклигини кўрсатиши талаб этилади. Апелляция инстанцияси судининг ажрими ЖПК 496-моддаси талабларига мувофиқ бўлиб, унда апелляция шикоятида келтирилган ҳар бир важ муҳокама этилиши ҳамда унинг асосли ёки асоссизлиги юзасидан хулосалар баён этилиши шарт. Суд ажрими у эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилмоғи керак.

МАЪНАВИЯТ

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Миллий бойлик

ёхуд унинг ҳуқуқий муҳофазаси хусусида

Истиқлол йилларида халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросини тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Олимжон ҚОДИРОВ,
илмий ходим

Мазкур соҳада Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар улкан, ранг-баранг ва том маънода дунё халқлари ҳавасию ҳайратини уйғотиб келаётган археология меросимизни муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш, тарихий-маданий тараққиёт йўлимизнинг залворли босқич ва қонуниятларини англаш, фуқароларимиз ва жаҳонга тараннум этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ҳам қамраб олади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда рўйхатга олинган 7570 та маданий мерос кўчмас объектининг 3945 таси (52,1 фоизи) археология мероси объектларига тўғри келиши ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, Юртбошимиз ташаббуслари билан нишонланган Самарқанднинг 2750, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500, Марғилоннинг 2000, Тошкентнинг жорий йилда нишонланган 2200 йиллик тўйлари билан боғлиқ тадбирларда, хусусан мазкур шаҳарлар ёшини аниқлаш, уларнинг халқимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўзига хос ўрни ҳамда улушини асослашда археология меросимиз ва олимларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Археологларимиз изланишлари натижаси ўлароқ, замонавий одамнинг Марказий Осиё минтақасида топилган, милоддан олдинги қирқинчи минг йилликларга тегишли гоминид-одам қолдиқлари, янги палеолит ва неолит даврлари ёдгорликлари, жумладан палеолит даврига оид тошга ишлов бериш устахонаси, Ўзбекистон ҳудудида 5000 йил бурун мавжуд бўлган деҳқончилик маркази, 3000 йил олдин бунёд этилган сунъий суғориш тизимлари, Ўрта Осиёнинг энг қадимги буддавийлик ибодатхонаси, санъат намуналари, Афросиёб, Холчаён, Далварзинтепа, Ерқўрғон, Шуллуктепа, Оёқоғитма, Кўктепа сингари ўнлаб археология объектлари, шунингдек минглаб археология ашёлари ўзбек халқининг кўҳна ва юксак даражада ривожланган давлатчилик ва маданий ривожининг тасдиғидир.

Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисми бўлмиш археология мероси объектларини илмий ўрганиш, тадқиқотлар натижаларини жамоатчилик, дунё аҳлига етказиш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарихий билимлар билан қуроллантириш энг муҳим вазифалар сирасига кириши шубҳасиздир. Археология тадқиқотлари ҳозирда Фанлар академиясининг Археология институти ва Қорақалпоғистон бўлими, Археология ва этнография институти, Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедрасида, Бадиий академиянинг Санъатшунослик институтида, Самарқанд Давлат университетининг Археология, қадимги дунё тарихи ва этнография кафедраси, Термиз Давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси ва жаҳон тарихи кафедраларида олиб борилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда археолог олимларнинг умумий сони 70 га яқин бўлиб, улар тош давридан ривожланган ўрта асрларгача тарихий босқични ўрганиш билан машғулдирлар. Улар томонидан ўтган даврда очилган кашфиётлар ва чоп этилган илмий ишлар халқаро миқёсда ўз эътирофини топганлигини таъкидлаш лозим.

Юртимизда мавжуд ноёб ва бой археология мероси дунё олимларининг ҳам диққат ва қизиқишларини тортиб келмоқда. Шунга кўра Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари Япония, АҚШ, Испания, Италия, Франция, Германия, Польша, Россия каби давлатлардаги ҳамкасблари билан биргаликда қатор археология объектларида изланишлар ва кенг илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, археология соҳасида улкан ютуқ ва имкониятларга эгалигимиз билан бир қаторда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам йўқ эмас, албатта. Шунингдек, археология меросимизни кўз қорачиғидей авайлаб-асраш, илмий ўрганиш ва тарғибу ташвиқ қилиш масаласида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам бугунги кунга келиб ўз ечимини талаб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, биринчидан, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча археология объектларининг аниқ сони маълум эмас. Археология институтидан олинган маълумотларга кўра археология объектларининг умумий сони 8500 атрофидадир. Бироқ Маданият ва спорт ишлари вазирлигида рўйхатдан ўтган археология объектлари 3945 тани ташкил этади. Демак, археология объектларининг ҳисобини юритишга доир ягона ёндошув тизимли ҳуқуқий тартибда белгиланмаган. Чунки мазкур фаолиятни тартибга соладиган ягона умуммажбурий норматив ҳужжат мавжуд эмас. Иккинчидан, ўтган йилларда олиб борилган археология тадқиқотлари жараёнида топилган археология ашёлари мамлакатимиздаги турли фан, таълим ва маданият муассасаларида сақлаб келинмоқда. Улардан олинган маълумотларга кўра, Археология институтида 25.000 атрофида, Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги Археология музейида 40.000 дан ошиқ, Санъатшунослик институти Ноёб объектлар коллекциясида 2000 дан ортиқ археология ашёси сақланаётганлиги маълум бўлди. Маданият ва спорт ишлари, Фанлар академияси тизимидаги музейлар, ҳатто айрим ҳокимликлар, мактаблар қошидаги музейларда ҳам археология ашёларининг умумий сони ва уларнинг сақланиш шароитлари бўйича умумлашма маълумотлар етарли даражада эмас. Учинчидан, археология тадқиқоти, хусусан унинг турлари бўлмиш археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга оширишни тартибга соладиган ягона ҳуқуқий ёндошувга ҳам зарурат мавжуд. Зеро, археология меросимизни муҳофаза қилиш, энг аввало, мазкур институтлар мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, бу борадаги фаолиятни нормативлаштириш, археология тадқиқотлари субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини, археология тадқиқотларини амалга ошириш шартлари, археология ашёси топилган пайтдан то фан, таълим ва маданият муассасаларига бириктириб қўйишгача ҳамда уларни кейинчалик авайлаб-асраб, улардан фойдаланиш қоидаларини белгилаб қўйишдек жараён билан боғлиқдир.

Археология институтидан олинган маълумотларга кўра археология объектларининг умумий сони 8500 атрофидадир. Бироқ Маданият ва спорт ишлари вазирлигида рўйхатдан ўтган археология объектлари 3945 тани ташкил этади. Демак, археология объектларининг ҳисобини юритишга доир ягона ёндошув тизимли ҳуқуқий тартибда белгиланмаган.

Миллий қонунчилигимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги ва «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Археология ёдгорликларини сақлаш чоралари ва ёдгорликларни ўрганишнинг аҳволи тўғрисида"ги 64-сонли қарори, 2002 йил 29 июлдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 269-сонли қарори ва унга илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом, шунингдек, 1999 йил 23 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида" ги 131-сонли қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинмоқда. Аммо уларда археология соҳасига оид асосий тушунчалар хусусан, археолог, археология ашёлари давлат каталоги, археология ашёси, археология ёдгорлиги, археология мероси объектлари, археология назорати, археология объекти, археология қидирувлари, илмий ҳисобот, очиқ варақ, рухсатнома, шунингдек, археология тадқиқоти ва археология қазишмаларини олиб бориш билан боғлиқ муносабатларни тўлақонли равишда ҳуқуқий таъминлаш имконияти мавжуд эмас эди. Бошқача айтганда, яқин кунларгача мамлакатимизда археология фаолияти асосан қонун ости ҳужжатлар негизида тартибга солинаётган эди. Жорий йилнинг сентябрь ойида амалга киритилган "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур соҳанинг ягона ҳуқуқий асосини яратди десак муболаға бўлмайди.

"Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни беш боб ва ўттиз тўртта моддадан иборат. Мазкур Қонуннинг мақсади археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Чунончи, Қонунда "археолог", "археология ашёлари давлат каталоги", "археология ашёси", "археология ёдгорлиги", "археология мероси объектлари", "археология назорати", "археология объекти", "археология тадқиқоти", "археология қазишмалари", "археология қидирувлари", "илмий ҳисобот", "очиқ варақ", "рухсатнома" каби тушунчалар ёритиб берилган. Хусусан, унга биноан «археология объекти» деганда, инсон фаолиятининг барча кўринишларига тааллуқли ҳамда сақланиш ҳолатидан қатъи назар археологик, антропологик, этнографик қимматга ёки ўзга тарихий, илмий, бадиий, маданий қимматга эга бўлган жой, иншоот (асар), иморат, мажмуа (ансамбль), уларнинг бўлаклари, улар билан боғлиқ ҳудудлар тушунилади.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, мазкур соҳасидаги махсус ваколатли муассасаларнинг, шунингдек Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

"Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни миллий ва халқаро тажриба ҳамда "Археология меросини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Европа конвенцияси (Валетта, 1992), "Археология меросини муҳофаза қилиш ва бошқариш тўғрисида"ги хартия (Лозанна, 1990), ЮНЕСКОнинг Археология қазишмаларини амалга оширишнинг халқаро тартиби принципларини белгилаб берувчи тавсияларида (Нью Дели, 1956) назарда тутилган ёндошувларга ҳам асосланган. Бундан ташқари, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ва бир қанча ривожланган мамлакатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатлари ўрганилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Умуман олганда, «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур соҳадаги муносабатларда юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирилишида шунингдек, мамлакатимизнинг бой археологик меросини янада чуқур ўрганилишида ва халқаро майдонда кенг тарғиб этиш жараёнида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтганда, археология соҳасини жамият маданий-маърифий ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда катта - у буюк тарихий воқеа ҳодисаларни ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ягона ёки асосий соҳа бўлиб ҳисобланади. Бу соҳани тизимли ўрганиш – улкан илмий ва ғоявий-тарбиявий аҳамият касб этади. Археология ашёлари ва объектларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш фуқароларнинг тарихий онгини бойитишга, уларда фахр ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга улкан ҳисса қўшади.

ИЗҲОР

Маънавий ислоҳот ва тарбия

ютуқлардан фахрланиш фуқароларда масъулият, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантиради

Истиқлолдан сўнг мамлакатимиз ўтмишига, бой тарихий мероси, маънавий қадриятлар ва анъаналарига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Юртимиз тарихан қисқа вақт ичида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади, миллий анъаналари бетакрор ва бой эканлигини намоён этди.

Ўтган мустақиллик даврига қисқача назар ташлайлик: Президентимиз ташаббуслари билан 1991 йилнинг сентябрида Тошкент шаҳри марказида Алишер Навоий ҳайкали ва Миллий боғи барпо этилди. 1992 йилда ҳурфикр шоиримиз Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги нишонланди, Наманганда музей, боғ ва ҳайкал барпо этилди.

Бугун халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш, маънавий соҳани ривожлантиришга бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди. Миллий кино, миллий театр, миллий қўшиқчилик санъати, эстрадани ривожлантириш билан боғлиқ ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши юзлаб музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида ватандошларимизга маънавий-маърифий хизмат кўрсата бошлаши таҳсинга сазовор. Маънавий ишларни ривожлантириш бўйича ўнга яқин Президентимизнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди, 1994 йил "Маънавият ва маърифат маркази" ташкил этилди. Сўнг унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга республика маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорларига биноан Республика маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ва таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Унинг раиси сифатида Республика бош вазири тайинланганлиги мамлакатимизда маънавият соҳасида алоҳида тизим яратилганидан далолатдир.

Бугунги кунда республика радиоси ва телевидениесида 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилади.

Хуллас, бугун маънавий соҳа ривожи билан фахрлансак арзийди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда дунёдаги ғоявий хуружлар, мафкуравий таҳдидларга халқимиз, инсонларимиз фақат ва фақат миллий истиқлол ғояси ҳамда юртимизда кечаётган юксак даражадаги маънавий ислоҳотлар, маънавий тарбия билан жавоб бера олиши, қарши кураша олиши мумкин.

Насриддин БОТИРОВ,
журналист

КЎНГИЛ МУЛКИ

Ошиқлик-кўп қадим бинодир...

Ҳазрат Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида айтганларидек, исмлар сабабсиз қўйилмас. "Шарқ" нашриёти томонидан нашр этилган Икром Отамуроднинг "Тағаззул" китоби ўз номига муносиб бир асар. Китоб бошидан охиригача бетакрор ранглар, мафтункор жилолар, сеҳрли маънолар, дурдона ҳикматлар махзани бўлмиш ошиқ кўнгил изтироблари, тўлғонишлари, руҳий завқ ва ҳайрат ҳосиласи бўлмиш шеърлардан ташкил топган.

Адабиёт назариясида сюжет-достонларнинг энг муҳим унсури дея таълим берилади. Аммо Икром Отамурод достонларида муайян воқеа баёнини учратмайсиз, чунки у воқеабандлик, баёндан кўра туйғуларни тасвирлашни хуш кўради. Бунда нафис чизгилар идрок қилиш орқали муайян кучга эга бўладики, бу ҳолни сўз билан англатмоқ мушкул. Шу сабабдан шоир достонларини шартли равишда туйғулар достони дейиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Мажмуада турли йилларда ёзилган туркум шеърлар, таржималар, шунингдек, "Узоқлашаётган оғриқ", "Хиёбондаги ёлғиз дарахт" ҳамда "Тағаззул" достонлари берилган. Улар орасида "Тағаззул" достони алоҳида аҳамиятга эга. Агар "Тағаззул" китобини муаззам бир дарахтга ўхшатсак шу номдаги достон ушбу дарахтнинг ўқ томирини ташкил этади.

"Тағаззул" -инсоний ишқни тараннум этувчи достон. Энг аввало "Тағаззул" сўзи ҳақида. Шу номдаги достоннинг эпиграфида келтирилишича, тағаззул арабий сўз бўлиб, ғазал ёки ошиқона шеърлар ўқимоқ ва битмоқ маъносини билдиради. Ишқпарастлик, ошиқлик маъноларида ҳам келади. Мумтоз адабиётшуносликда қасиданинг ишқий оҳангдаги қисмини ҳам тағаззул дейдилар. Кўпинча инсоний ишқни илоҳий ишқ билан қарама-қарши қўядилар. Аммо аслида инсоний ишқ илоҳий ишқнинг бирламчи босқичи. Нисбатан моддийлашган ва содда кўринишидир. Қолаверса, инсонни севмаган одам илоҳни сева олмайди. Яратганга яралганини англаш орқали етишади... Икром Отамурод талқинида Кангул - чексиз, ҳадсиз, ҳудудсиз, зиддиятларга тўла бир олам бўлса, Тағаззул бу оламдаги энг қадимий, азалдан мавжуд Эҳром янглиғдир. Унинг деворлари Соғинч, Сабр, Сукунатдан бино бўлган.

Тағаззул биноси - ишқдан бинодир:
Соғинчлар,
Сабрлар,
Сукунатлар девори.

Одатда иморат бут бўлиши учун камида тўрт девор бўлиши керак. Аммо шеъриятда қўлланиладиган рамзлар тилида чор девор бу-маҳдудлик, чекланганлик, биқиқлик тимсолидир. Ишққа бу сифатларни нисбат бериб бўлмайди. Шунинг учун Икром Отамурод тасвирида Тағаззул биносининг азалдан уч девори устувор, барқарор. Тўртинчи томонига ҳар бир ошиқ ўзининг "Зил кетган юракнинг дарзи"дан эшик ўрнатади. Юракнинг дарзи-ташқи дунё билан ички олам ўртасидаги робита. Бунда ҳар бир ҳодиса, воқеа, ҳолат ё вазият шунчаки ахборот ёки маълумот сифатида қабул қилинмайди. Балки ҳосил бўлган сезимлар кўнгил дарзидан дард билан ўтади, жонни ўртайди. "Дунёнинг қай бир бурчагида бир потрлаш юз берса ундан энг аввало шоирлар қалби дарз топади", деган экан олмоғ шоири Шиллер. Икром Отамурод яратган лирик қаҳрамонда ошиқлик ва шоирлик бир-бирига омухта. Токи бир ошиқ шоир бу дунёда бор экан, Тағаззул- ошиқлик биноси эгасиз эмас. У жон чироғи билан бу уйга мунавварлик, ҳарорат бағишлайди. Туҳмат ва ғараз селобидан авайлаш учун шифтини сўнгаклар билан безайди. Тағаззул биноси меъмори энг аввало соғинч деворини тиклашга тушади. Соғинчнинг пойдевори эса дийдордан сўнг кўнгилда пайдо бўлган ҳайрат ва иштиёқдир. Ҳайрат, Фахриддин Розий фикри бўйича икки хил бўлади: ақл ҳайрати ва қалб ҳайрати. Инсон тафаккури билмаган нарса олдида ожиз қолганида хосил бўладиган туйғу ҳайрат деб номланади. Аммо бу нарсанинг моҳияти ақл воситасида англангандан сўнг бу ҳайратдан ном-нишон қолмайди. Масалан, замонавий фан-техника ютуқлари дастлаб одамларда ҳайрат уйғотиши тайин гап. Лекин бу нарса кундалик турмушда кенг қўлланилгандан сўнг ўзининг сирли жозибасини йўқотиб, оддий юмушга айланиб қолади. Қалбда ҳосил бўлган ҳайрат эса аксинча кундан-кунга юксалиб, зиёда бўлиб бораверади. Гўзаллик, нафосат, поклик, беғуборлик, шайдолик, маъсумлик, меҳр..., боринки қалб мулки бўлган барча сезим ва туйғуларнинг сирли-синоатли олами асрори очилавергач ҳайрат янада нурланиб, қувват олаверади. Шу пайтгача керакли ва жуда муҳим кўринган бошқа нарсалар қиймати чилпарчин бўлади. Кўнгилнинг сирлилиги, жумбоқлилиги ҳам ана шунда.

Ҳоли ҳолотимда қатламу қатлам
Ҳажр сиёҳидан битилган тасвир.
Эй мастона канглум, бу нечук матлаб,
Фақат кангул билан англанувчи сир?!

Икром Отамурод шеърида соғинч тараннуми кўнгул васфидек марказий мақомга эга. Жумладан, шеърларнинг бирида ўзини "Соғинч шарҳини битгувчи котиб" дея таърифлайди:

Мен-соғинч шарҳини битгувчи котиб,
соғинчга айланган қулларнинг шоҳи.
Руҳимнинг қатқалоқ қаърига ботиб-
ўрлайди сукутнинг саргашта оҳи.

Соғинч руҳияти ёвуқ келган, дилдошлик туйғусини туйган, кўнгли бир-бирига талпинган инсонларнинг ўртасида бўлади. Бу туйғу- мураккаб, серқирра ва ифодаси мушкул ҳол. Соғинч пайтида инсон руҳиятида содир бўладиган барча ҳолатлар-илинж, умид, зорлик, ҳижрон азоби кўкламдаги дарёдек туғён отиб, кўнгилни жумбушга келтиради. Ҳар лаҳзада уни турли куйга солиб музтариб ва гирифтор қилади. Шу билан бирга:

Барибир...
бордир ҳар лаҳзада нимадир
илинж,
бордир ҳар лаҳзада нимадир
пайғом...

Пайғом ва илинж элчиси-бу қалдирғоч. Қалдирғоч "йўлларга тўкилган хазон" бўлган соғинчларни яшнатгувчи, "зорлари қатқалоқ бойлаган" ишқ йўлини мунаввар айлагувчи, "чуркайган дил"ларга висол баҳори муждасини келтирувчи ҳудайчи. Шоир қалдирғочга мурожаат этиб ўша мусаффо, покиза, биллурдек тиниқ кунни интиқлик билан кутажагини, ҳижронга ҳеч қачон ён бермаслигини қуйидагича изҳор этади:

Қалдирғоч, кўн, ошён қил, ёрит,
канглум ғарибхонасин.
Иноят мушкларин тўк, тарат,
жон бўлсин парвонаси.

Ошиқ кўнгил йироқликда сабрни ихтиёр этади. Одатда собирлик деганда мусибат ва мушкулларда бардошли бўлиш тушунилади. Аммо сабрнинг маъно қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, нафс қутқусига учмаслик, тақдирга ризолик, бошини қўймоқ, яхши ҳоллар шукронаси, ёмон ҳоллардан изтироб чекмаслик ва умидсизланмаслик бу тушунчанинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади:

Қувонч эрур ундан йироқлик табри,
ўксиниш табора яқинлик эрур.
Шу боис, сабримга қайрилдим,
сабрим
ўксиган канглумга биродар турур.

Дунёнинг барча ишларига басират кўзи билан назар солишга ўрганган шоир, ҳар қандай ҳолатда эзгулик талаби йўлидан чекинмаслик, шу орқали гўзал сабр-кўнгилнинг изтироб ва умидсизликдан холи бўлиши, ҳар қандай шадид мусибат ва кулфатларга бардош беришга сабаб, алалоқибат, Тағаззул биносини асрагувчи руҳий қувват эканлигини уқтиради:

Ҳижрон зулмига бера олгай дош,
ҳижрон шиквасига тополгай такбир.
Сабрим асрар, сира бўлмайин адош,
Тағаззул биносин гард юқтирмай бир.

Олимжон ДАВЛАТОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти тадқиқотчиси

ЖАРАЁН

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МИНБАРИ

Сиёсий шарҳловчилар

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик янгиланишларни ёритишда муҳим аҳамият касб этади

XXI асрда дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгурди. Зеро, бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тезлашдики, дунёнинг бошқа нуқтасида рўй берган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бепарво қараб бўлмайди. Ҳозир ўзининг ижобий томонлари билан кутилмаган салбий оқибатларини ҳам яққолроқ намоён этаётган глобаллашув жараёнлари ахборотга бўлган муносабатни ўзгартирди. Бундай шароитда миллий матбуотимиз ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик янгиланишлар ва, албатта, хорижда содир бўлаётган воқеаларни холис, батафсил, миллий манфаатларимиз нуқтаи-назаридан баҳолаб, аҳолига етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг "Бизлар одамлар фикрини бошқариш эмас, аксинча, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва юксалтириш тарафдоримиз. Яъни, улуғ аждодлар меросига муносиб бўлиб, ўз ақл-заковати ва соғлом ҳаётий қарашларига таяниб яшашга интиладиган ёшларни камол топтиришда халқимиз, жамоатчилигимиз ОАВдан кўп нарса кутишга ҳақли", деган фикрлари бежиз айтилмаганига ишонч ҳосил қиламиз.

Биз мавзунинг долзарблигини инобатга олган ҳолда бугунги миллий матбуотимизда сиёсий шарҳловчиликнинг ўрни, роли ва муаммолари ҳақида сўз юритамиз. Суҳбатдошимиз Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети профессори, филология фанлари доктори Файзулла Мўминов.

- Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, даврий нашрлар сони ҳам кўпайди. Аммо журналистларнинг соҳалар бўйича ихтисослашуви анчайин қийин кечмоқда. Айниқса, жаҳонда кечаётган мураккаб жараёнларни таҳлил қилиб берадиган журналистлар, яъни сиёсий шарҳловчилар бармоқ билан санарли. Бунга сабаб нима? Жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун халқаро шарҳловчилар жуда муҳим эмасми?

- Ҳақиқатан бугунги кунда, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашаётган бир пайтда миллий сиёсий шарҳловчилар жуда керак. Лекин айтганингиздек, жаҳонда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилиб берадиган журналистлар саноқли. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Биринчидан, шарҳ жанрини ривожлантириш ва шарҳловчининг касбини қўллаб-қувватлаш масаласи таҳририятларда кўнгилдагидек эмас. Шарҳ – бу репортаж ва, ҳатто, мақола ҳам эмас. Бошқа материалларга нисбатан шарҳ кўпроқ меҳнат талаб қилади. Мазкур жанр билан шуғулланаётган муаллифлар учун қўшимча моддий ва маънавий шароитлар керак. Дунёда ҳар хил мамлакатлар бор, кўпгина жамоавий ва сиёсий қарашлар ҳамда позициялар мавжуд. Жаҳонда юз бераётган воқеа бўйича қайси мамлакатнинг фикри қандай? Ўша мамлакатнинг ўзида-чи?

Халқаро муносабатларда сиёсат, дин, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа масалалар кўндаланг туради. Булар бўйича муроса қилмасдан илож йўқ. Акс ҳолда таҳририят ва журналист Ўзбекистон обрўйига путур етказиши мумкин. Ўз ижодим билан боғлиқ битта мисол келтираман. Бир куни Бухородаги машҳур Чор-Бакр мемориал комплекси ҳақида мақола ёзиб, уни қойиллатиб "Маккаликлар зиёратгоҳи" деб номладим. Мақоламни қуйидагича бошладим: "Бутун ислом дунёси Маккага боришга ҳаракат қилади. Маккаликлар қаерга борсин? Улар Бухорога келсин, чунки бу ердаги Чор-Бакрда Абу Бакр авлодларининг хоклари бор". Таҳририят мақолани чиқарди, лекин унинг энг зўр жойи – сарлавҳасини олиб ташлади. Нега ундай қилдингизлар?", деб, норозилик билдирдим. "Сиз буни Маккадан ҳам устун қўйибсиз, ундан улуғроқ зиёратгоҳ борми?", дея изоҳлашди.

- Сиёсий шарҳловчиларнинг камлиги, балки газетхонларнинг мазкур мавзуларга қизиқмаслигидадир?

- Йўқ, бундай эмас. Раҳматли Ғуломхон Ғофуров "яхши очерк – орзуим" деганларидек, дуруст ёзилган шарҳни ҳар бир газетхон жон деб ўқийди. Чунки шарҳ – қизиқарли, фактлар ва фикрларга бой материал. Унда қисқа, лўнда шаклда кўпгина материаллар йиғилиб, таҳлил этилади. Шарҳни тайёрлаш жараёнида муаллиф анчагина манбалар билан танишади, улардан керакли маълумотларни олади, тизимлаштириб, хулосалар чиқаради. Оддий газетхонга бундай фактларни топиш қийин, бунинг учун тажриба керак, махсус манбаларга мурожаат этиш зарур. Кўп меҳнат сарфлагани боис, шарҳ чиройли чиқса, уни ҳар бир газетхон хурсандчилик билан қарши олади ва роҳатланиб ўқийди.

- Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан "Сиёсий шарҳловчилик клуби" ташкил этилиб, унда сиз лойиҳа раҳбари сифатида иштирок этдингиз. Хўш, натижалардан қанчалик қониқяпсиз? Муаммолар нималардан иборат?

- "Сиёсий шарҳловчилик клуби" ташкил қилиниб, унда ўқиш бир йил давом этди. Лекин натижалар кутганимизча бўлмади. Чунки машғулотлар ойда бир марта ўтиб, кўпроқ назариядан иборат бўлиб қолди. Клуб фаолияти жараёнида қатор тадбирларни амалга оширганда, натижалар юқорироқ бўлар эди. Масалан, маъруза материаллари ҳар бир дарсда тарқатма материаллар шаклида тингловчиларга берилмади. Охирида машғулотлар тўплами қўлланма сифатида чоп этилмади. Боз устига тингловчилар амалий дарслар давомида шарҳ ёзишгани йўқ, уларнинг материаллари мутахассислар томонидан таҳлил ҳам этилмади. Қисқаси, бундай тадбирларга жиддий тайёрланиш зарур, уларга кучли мутахассисларни жалб этиб, клуб фаолияти етарли даражада молиялаштирилиши керак.

- Яқинда Москва шаҳрида бўлиб қайтдингиз. У ерда журналистика факультети талабалари, бўлажак касб эгаларига яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

- Мен Москва Давлат университети (МДУ)нинг журналистика факультети билан доимий боғланиб тураман. Қолаверса, иккала диссертациямни ҳам ўша ерда ҳимоя қилганман. Лекин гап унда эмас. Энг муҳими, ҳар икки йилда бир марта факультетда бўлиб, энг охирги монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларни олиб қайтаман, бу ердаги ҳамкасбларим ва шогирдларимга тарқатаман. МДУ азалдан журналистлар ихтисослашувига жиддий эътибор бериб келган. Уларда ихтисослашув бакалавриатнинг иккинчи босқичидан бошланади, талабалар матбуот, радио, телевидение ва интернетга бўлинади. Ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида ўқитувчилар киради. Натижада талабалар жанрлар (репортёрлик, шарҳловчилик) ёки мавзу бўйича ихтисослашади (спорт, реклама, котибият ходими ва бошқа). Ахборот асрининг шароитлари мутлақо бошқача, ихтисослашув бир неча босқичлардан иборат бўлмоғи зарур.

- Сиёсий шарҳловчиликни балки, журналистика факультетидан бошлаш керакдир?

- Бу савол олдингининг давомидир. Албатта, мутахассислик бўйича фундаментал таълим олий ўқув юртида берилади. Барча йўналишлар бўйича 2-босқичдан ихтисослашишни бошлаш зарур. Бу гап кўп йиллардан бери айтилади, аммо мутахассислар етишмаслиги сабабли амалга оширилмаяпти. Фикримча, 2-босқичнинг биринчи семестридан бошлаб, бўлажак бакалаврларни маънавият, қишлоқ хўжалик, иқтисодиёт, сиёсат, спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ва бошқа зарур соҳаларга ихтисослаштириш керак. Магистратурада эса йирикроқ вазифалар – шарҳловчилик, реклама, ахборот хавфсизлиги ва шу кабиларга ўргатиш лозим.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Беҳбуд БОТИРОВ суҳбатлашди

- *Бугунги кунда сиёсий шарҳловчилик масаласи долзарблашганининг асосий сабаби — бу янги, мустақиллик мафкурасига асосланган, миллий истиқлол ғояси билан суғорилган, миллий манфаатларни ҳимоя қила оладиган шарҳ мактаби яратилиши зарурлигида.*
- *Шарҳ энг мураккаб жанрлардан бири бўлгани учун кўп меҳнат талаб қилади. Шарҳга киришган журналист шунга тайёр бўлиб, тинмасдан изланиши зарур. Жумладан, Ўзбекистон ва хорижда чиқаётган янги-янги шарҳлар билан узлуксиз танишиб бориш, шарҳ соҳасида унча кўп бўлмаган илмий тадқиқотларни ўрганиш муҳимдир.*
- *Ўзбекистон мустақил бўлди, энди мамлакатимиз фуқаролари жаҳондаги сиёсий тизим ва муҳитда ўз дунёқараши ва позициясига эга бўлмоғи зарур. Бундай позицияни шакллантириш учун кенг маънодаги сиёсий билим керак, бунинг учун эса шарҳ яхши имкониятлар яратади.*

МУЖДА

Ёшлар учун меҳнат ярмаркаси

Ургут туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлик даражасини ошириш мақсадида меҳнат ярмаркалари ўтказилди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Туман ҳокимлиги бандликка кўмаклашиш маркази, туман ИИБ прокуратураси, халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган ярмаркада 100 дан ортиқ ташкилот ва корхона, 300 га яқин бўш иш жойларни таклиф этди. Шу куни туман электр тармоқлари автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари қарийб 150 нафар ёшлар билан меҳнат шартномалари тузишди.

- Меҳнат ярмаркасида 321 нафар туман ёшлари, 238 нафар хотин-қизлар халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди,- дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Раҳимжон Холиқов. - 76 нафар фуқароларга меҳнат қонунчилиги ва ижтимоий муҳофаза тўғрисида турли хил маслаҳатлар берилди. Шунингдек, марказ ходимлари ишлаб чиқариш саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этиш тадбирларини ўтказишмоқда. Бандликка кўмаклашиш маркази қошида меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳат маркази ҳам ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛИК

Маҳсулотга харидор кўп

Самарқанд шаҳридаги "ARDS LUX" масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда иқтисодиётни соғломлаштириш йўлидаги изчил сиёсатни ўз фаолиятида яққол намоён этаётган корхоналардан бўлиб, ўтган беш йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини деярли ўн баробар кўпайтиришга эришди.

Асосан мебель ишлаб чиқаришга мослашган корхонада 8 ой давомида 84908.0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан беш йил аввал фақат маъмурий хоналар учун мебель жиҳозлари ишлаб чиқара бошлаган корхонада бугунги кунда тиббиёт муассасалари учун махсус мебель жиҳозлари, олий ўқув юртлари учун барча талаб доирасидаги мебеллар, ошхона ва ётоқхона мебеллар тўплами, диван кресло, ҳовли жиҳозлари, барча турдаги стол-стуллар, архив идоралари учун метал жавонлар ишлаб чиқарилмоқда.

Дарвоқе, вилоятда спорт жиҳозлари, мебель буюмлари ишлаб чиқарувчи "Стеклопластик" акциядорлик жамияти, "Отабек" масъулияти чекланган жамияти, "Зулфия" хусусий ишлаб чиқариш фирмалари ҳам мебель маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Лекин мазкур корхона мебеллари ҳар томонлама қулайлиги, сифатлилиги боис корхона маҳсулотларига Жиззах, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидан, Ўзбекистон Темирйўллари компаниясидан кўплаб буюртмалар тушмоқда.

- Янги иш жойларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш қувватини ошириб, маҳсулот сифатига асосий эътибор қаратмоқдамиз,-дейди масъулияти чекланган жамият раиси, ЎзМТДП аъзоси Султон Алимов. - Корхонага товарлар ва хизматлар ҳажмининг ошиши учун Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилди. Шунингдек, ёғочсозлик, аррали жилвалаш, дурадгорлик ва металга ишлов бериш дастгоҳлари, тикув машинаси, пайвандлаш жиҳозларидан кенг фойдаланилмоқда.

АНЖУМАН

Сўнгги йилларда дунёда, жумладан, республикамизда ҳам атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда иқлим ўзгаришларининг аҳоли саломатлигига таъсири билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Инсон саломатлиги эътиборда

Амалга оширилаётган ижобий ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида, "Пойтахт" бизнес марказида Республика Соғликни сақлаш вазирлиги ҳамда Бутунжаҳон Соғликни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш ва соғликни сақлаш тизимини мослашиш миллий режасини ишлаб чиқиш" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда атроф-муҳит муҳофазаси, иқлим ўзгаришларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш, бу борада дунё мамлакатларида олиб борилаётган лойиҳалар хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди. Аҳоли саломатлигини яхшилашга эришиш, бу борада Ўзбекистон, Осиё ва Европа давлатларининг ўзаро келишувларини белгилаб олиш каби бир қатор мавзуларга эътибор қаратилди.

- Ўзбекистон билан бу соҳадаги ҳамкорликни энди бошладик, – дейди Бутунжаҳон Соғликни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Доктор Мишель Тайад. - Асосий мақсадимиз глобал иқлим ўзгариши шароитида аҳоли саломатлигини асраш ва уларни турли касалликлардан сақлаш борасида амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Ҳозир асосий эътибор, Қорақалпоғистон Республикасига қаратилмоқда чунки у ерда яшаётган аксарият одамлар нафас олиш йўлларига оид хасталикларга чалинмоқда.

Анжуманда, Бутунжаҳон Соғликни сақлаш ташкилотининг Германия, Франция каби давлатлар ваколатхонаси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими, Гидрометереология маркази вакиллари ва қатор ташкилот ҳамда корхона ходимлари иштирок этди.

"Туркистон-пресс"

БАНДЛИК

Янги иш ўринлари яратилди

Сирдарё туманида "Сирдарё транссервис" хусусий корхонаси ташкил этилди.

Ёш тадбиркор Фурқат Сиддиқов раҳбарлик қилаётган хусусий фермер ихтиёрида ҳозирча қарийб 10 та "Isuzu" русумли автобуслар мавжуд. Ушбу транспортлар 5 та янги йўналишда фаолият кўрсатади. Автобуслар Сирдарёдан Тошкент, Гулистон, Бахт шаҳарларига ва Синдаробод Янгиҳаёт кўрғонларига қатнаб йўловчилар узоғини яқин қилмоқдалар.

- Ҳайдовчилар томонидан йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилаётганлиги ва йўл ҳақини арзонлиги барчани мамнун этмоқда. Ушбу янги автобуслар лизингга 5 йил муддатга олиб келинди,- дейди "Сирдарётранссервис" хусусий фирмаси директори Фурқат Сиддиқов. - Келажакда автобуслар сонини янада ошириб, хизмат йўналишларини кўпайтирамиз.

Янги корхона ишга туширилиши муносабати билан 25 нафар ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Сут инқирози

европалик фермерлар ҳукуматдан ёрдам сўрамоқда, ЕИ эса квоталарни бекор қилиш режасида

Бугунги кунда Европа қишлоқ хўжалиги жиддий инқирозни бошидан кечирмоқда. 2008 йилда юз берган молиявий-иқтисодий таназзул жаҳон бозорида сут нархининг икки баробарга пасайишига олиб келди. Бу, айниқса, кўҳна қитъа фермерлар фаолиятига салбий таъсир ўтказди. Европа Иттифоқи томонидан муаммонинг олдини олиш борасида айрим чоралар белгиланди. Унга кўра, 2010 йилдан бошлаб 5 йил давомида йилига 1 фоиздан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига квоталар жорий этиладиган бўлди. Инқирозни обдон тотиб кўраётган фермерлар учун мазкур чора «ўз аравангни ўзинг торт» деган гап бўлди.

Мақбул ечим

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда танаффус бўлмаслиги кўпчиликка аён. Ҳар куни икки мартадан сигирдан сут олинади ва уни тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилади. Творог, пишлоқлар ва бошқа турли хилдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, аҳолига етказилади ёки экспортга жўнатилади. Сут маҳсулотларини сотишда ҳам маълум муддатлар белгиланган учун соҳа мунтазамликни талаб этади. Бироқ бугунги кунда Европада фермерлар жаҳонда сут ва сут маҳсулотлари нархининг кескин тушиб кетиши оқибатида зарарга ишлашмоқда. Бундай мураккаб вазиятда ҳукуматнинг ёрдами бениҳоя муҳим, дейишмоқда мутахассислар.

Европа Иттифоқининг аграр масалалари бўйича комиссари Мариан Фишер-Бойл минтақада сут бозорларини қўллаб-қувватлаш борасида зарур чоралар кўрилаётганини маълум қилган: «Тасдиқдан ўтган "Health Check" дастури яхши чора, фақатгина у 2010 йилдан бошлаб кучга киради, ҳозирги вазиятни эса яхшилашга ёрдам беролмайди,- деган Еврокомиссар раҳбари.

Ҳозирча 2003 йилда ЕИ Қишлоқ хўжалиги вазирлари томонидан қабул қилинган минтақада сут маҳсулотларига квоталарни маълум миқдорда белгилаш ҳақидаги қарори энг мақбул ечим, дея эътироф этилмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрича, белгиланган чоралар 2010-2015 йилларни ўз ичига қамраб олади ва табиийки, уларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида кучга кирмайди. Дастлабки босқичга кўра, келгуси йилдан то 2013 йилгача сут ва сут маҳсулотларига квоталар йилига 1 фоиздан ошириб борилади. Кейинги босқичга кўра, 2015 йил мартигача мазкур маҳсулотларга квоталар бекор қилиш белгиланган. Европалик мутахассисларнинг айтишича, квоталарни камайтириш чора-тадбирлари бозорда ҳар минг литр сут баҳосини 400 евро бўлишини таъминлайди. Аммо бу қайси механизм асосида юзага келиши ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Айни пайтда эса Европада ҳар минг литр сут ўртача 200 еврони ташкил этмоқда.

- Жаҳон бозорида узоқ давом этган юқори нархлар Европага кўп ва хўп имкониятлар ва шароитларни яратиб берганди, аммо,- дейди жаноб М.Ф.Бойл. - Бизнинг экспортчиларимиз бугунги Европадаги бозор нархларидан ҳам пасайиб кетган кўрсаткичлар билан рақобатлаша олмайди. Молиявий-иқтисодий инқироз, шунингдек, долларнинг келгусидаги эҳтимоли мавжуд девальвацияси ЕИнинг экспорт имкониятларини қарийб музлатиб қўйди. Шунга қарамай, мен жорий йилда «сут пакети» чораларини амалга ошириш учун ЕИ маблағларидан фойдаланаман.

Фермерларни қайси нарх қониқтиради?

Шунга қарамай, фермерлар трансмиллий бирлашувни давом эттиришмоқда. Ҳозир мазкур қарорга нисбатан норозилик намойишлари Италия, Испания, Бельгия, Германия, Люксембург, Голландия, Франция – умуман бутун Европани қамраб олган. Германиялик фермерлар ўтган ҳафта ўз фабрикаларида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тўхтатишган. Улар маҳсулотлар баҳосини литрини 40 центгача кўтаришни сўрашмоқда. Манбаларга кўра, бундай норозилик намойишлари аллақачон 50 миллионлик евро миқдорида зарар келтирган. Ҳозир германиялик фермерлар қаторига голландияликлар ҳам қўшилган. Улар тракторларнинг фабрикаларга бориш йўлларини тўсиб қўйишган. Митинглар давомида сув ҳавзалари сигирлар сути билан тўлдирилиб, миллион-миллион сутлар ариқларга сув каби оқизилмоқда.

Айни пайтда европалик фермерлар томонидан «сут намойиши» сифатида яна қарийб 40 миллион литр «оқ сув» тўкиб юборилган. Куни кеча Бельгияда ҳам фермерлар 4 миллион литр сутни далаларда йўқ қилишган. Шунингдек, Брюсселдаги Еврокомиссия биноси олдида 11 кунлик намойишлардан сўнг ишлаб чиқарувчилар сутдан оқ кўлни ҳосил қилишган. Ўшанда бир кунда қарийб 40 миллион литр сут ерга тўкилган!

- Мен 27 йил давомида кунига икки маротаба сигирлардан сут оламан, - дейди бельгиялик фермерлардан бири. – Фарзандларим ҳам бу ишни давом эттиришлари тарафдориман, аммо... бунинг имкони йўқ. Агар вазият шу тахлит давом этадиган бўлса, биз хонавайрон бўламиз. Буни эса хоҳламаймиз!

Кўҳна қитъа фермерларининг ниятлари аниқ: улар бозор ўзгаришларига тезда мослашиш имкониятига эга бўлиш учун ЕИда сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни чегаралаш ва Еврокомиссиянинг сут квотасини босқичма-босқич бекор қилиш таклифидан воз кечишни талаб қилишмоқда. ЕИ эса бу ишни амалга оширишга унчалик ошиқаётгани йўқ.

- Бугун Европа бозорида соҳадаги ишлар инқироз кўчасига кирган, - дейди Европарламентнинг «Яшиллар» партияси депутати Жозе Бове. - Еврокомиссия ҳалиям вазиятни тушуниб етгани йўқ. Комиссар Фишер - Бойл муроса ҳақида гапираётган бир пайтда фермерлар қандай қилиб адолатни талаб қилиши мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари Европадаги паст нархлар билан рақобат қилолмайди. Шунинг учун қабул қилинган қарорга кўплаб эътирозлар бўлаяпти.

Ўтган йили 1 литр сутнинг сотилиш нархи 18-20 евроцентга тушиб кетган. Экспертлар фикрича, ўша пайтда сут хўжаликлари рентабеллиги учун литри энг камида 50 еврога баҳоланиши лозим эди. Ҳатто супермаркетларда сут маҳсулотлари нархи бир неча баробарга ошгани ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг норозилигини пасайтира олмади.

Айни пайтда Европадаги фермерлар зарарга ишлашмоқда: сут шу қадар арзонлашиб кетганки, деярли тўкиб юбориш билан тенгдир. Сўнгги маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалиги бўйича Еврокомиссия расмийлари навбатдаги дастурни маълум қилишган. Унга кўра, ЕИга аъзо давлатлар фермерларга 15 минг евродан маблағ ажратишади. Мазкур чора яқин ҳафталарда кучга киради. Боз устига кузатувчилар нархнинг ошаётгани ҳақида ҳам яхши хабарларни топишган. Масалан, Францияда ёғнинг нархи 4 фоизга ошган, Германияда эса 8, Буюк Британияда эса янада юқори. Фаранг банклари фермерларга 250 миллион евродан маблағ беришларини маълум қилишган. Аммо мазкур кредитлар ҳали бирор фермерга расмийлаштирилгани йўқ.

- *2007 йилда жаҳонда 413,7 миллион тонна сигир сути етиштирилган. Шунинг 3/1 қисми Европа ҳиссасига тўғри келади. Тадқиқотларга кўра, одам йилига 390 кг. сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиши лозим.*
- *Сут таркибида сув, оқсил, ёғ, минерал моддалар, витаминлар, ферментлар, гормонлар ва бошқа моддалар бор. Организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур кўпгина озиқ моддаларининг мақбул нисбатларда бўлиши уни қимматли озиқ-овқат маҳсулотига айлантиради.*
- *Сут оқсиллари, асосан казеин, альбумин ва глобулиндан иборат бўлиб, уни организм яхши ўзлаштиради. Альбумин ёш организмнинг ўсиш жараёнларини таъминлашда, глобулин иммун таначаларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди.*

Хитойдаги "Старбуксс"да хўрандаларга сут маҳсулотлари берилмаяпти.

Хитойдаги "Старбуксс" қаҳвахоналарида хўрандаларга сут маҳсулотлари берилмаяпти, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Хитойнинг сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бир неча компанияси озуқаларида ўткир буйрак касаллигини қўзғатувчи меломин моддаси аниқланганлиги сабабли уларнинг фаолияти вақтинча тўхтатилган.

Дастлаб меломин моддаси гўдаклар озуқасидан топилган эди. Энди эса музқаймоқ ва йогуртда ҳам саломатликка зиён етказувчи шундай модда аниқланган. Шу туфайли мамлакатдаги кўплаб савдо марказлари вақтинча сут маҳсулотлари сотишни тўхтатган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Чилим ҳам мумкин эмас

Сурияда бар ва ресторанларида чекиш таъқиқланди.

Жамоат жойларида ўрнатилган ушбу чеклов мамлакатда 11 октябрдан бошлаб жорий этилди. SANA ахборот агентлиги маълумотига кўра, шу ҳақдаги қонун Сурия президенти Башар Асад томонидан имзоланган. Янги қонунга кўра кафе, бар ва ресторанларда қўлга тушган кашандалар 2 минг Сурия фунти (46 АҚШ доллари) миқдорида жарима тўлаши керак бўлади. Мазкур таъқиқ нафақат тамаки маҳсулотлари, балки чилим «ихлосмандлари» учун ҳам тегишли.

Иқтисодда биринчи аёл

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти биринчи бор аёл кишига топширилди.



Бу янгилик қаҳрамони америкалик 76 ёшли Элинор Остром. У мазкур мукофотга иқтисодий бошқарув таҳлиллари учун сазовор бўлди. Остромнинг асосий иши 1990 йилда эълон қилинган бўлиб, у «Жамоаларни бошқариш: жамоавий ҳаракатлар институтлари эволюцияси» деб номланган. Иқтисод бўйича Нобель мукофотининг бу йилги иккинчи лауреати 77 ёшли америкалик Оливер Уильямон. У ҳам иқтисодий бошқарув соҳасидаги тадқиқотлари билан Нобель мукофоти қўмитаси эътиборига тушган.

«Толибон» бўйнига олди

«Толибон» террорчилик ҳаракати Покистоннинга Равалпинди шаҳрида юз берган портлашни ўз бўйнига олган.

Рейтерс хабарига кўра, 10 октябрда юз берган Покистон армияси Бош штаби бинолари мажмуасидаги босқинчилик оқибатида камида 19 киши қурбон бўлган. Жангарилар вакили Амаз Тарикнинг айтишича, қўмондонликка қилинган ҳужум толибонлар етакчиси Байтулло Маҳсуд ҳаёти учун олинган қасос бўлган. У 2009 йил августда Американинг учувчисиз учиш аппарати томонидан амалга оширилган ракета зарбасидан вафот этган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳақиқатга йўғрилган афсона

ёхуд Бобил шаҳри ҳақида биласизми?

Бобил шаҳри ҳақидаги афсоналар қадим-қадимдан олиму тадқиқотчиларни ўзига чорлаб келган. Немис археологи Роберт Кольдевей Бобил шаҳрини топгунига қадар кўплар бу шаҳарни "халқнинг оғзаки афсонаси" деб ўйлашган. Кольдевей 1899 йили Боғдоддан 100 км. жанубда ўз тадқиқотини бошлайди. Қазишма ишларининг илк куниданоқ унинг омади кула бошлаган. Мутахассислар дастлаб, эни 7 метр, баландлиги 12 метр бўлган хом ғиштли деворга дуч келишади.

Қазишма ишлари давомида биринчи девордан 12 метр узоқликда яна бир бўйи 8 м.ли ва эни 3 метрли пишиқ ғиштдан қурилган деворлар топилади. Шунингдек, ички деворнинг ҳар 50 метрида қўриқчи миноралар бўлиб, Кольдевей шундай миноралардан нақд 360 тасини санаб чиқади. Шаҳар деворларининг узунлиги 18 км.ни ташкил этади. Бу муваффақиятни Кольдевей узоқ кутганди ва ниҳоят 15 йил деганда ўз мақсадига эришади.

Археолог томонидан олиб борилган қизишма ишлари бир неча йил давом этган ва бу ердаги топилмалар олимларни ҳар сафар ҳайратга солаверган. Чунки, уларни қадимги одамлар қурилиш техникаси ривожланмаган бир шароитда қандай қилиб бундай меъморий обидалар мажмуини ярата олган, деган савол ўйлантириб қўяди. Масалан, парижлик заргарлар бу ердан топилган тилла буюм ва безакларга ром бўлибгина қолмай, балки қадимги аждодлар маҳоратига тан беришган. Изланишлар давомида археологлар бу санъат асарларини топишгандан сўнг, чамаси 2 метрлик чуқурликда яна бир лой қатламни аниқлашади. Мутахассисларнинг фикрича, ўша даврда даҳшатли сув тошқини содир бўлган ва бу табиий офатдан омон қолган халқ Бобил шаҳрини янада кўркам қилиб қуришга ҳаракат қилган.

Олимларнинг айтишича, тўрт минг йил аввал инсон томонидан барпо этилган ушбу шаҳар юксак тараққиётга эришган ва узоқ давр мобайнида энг йирик шаҳар бўлиб қолган. Археологик топилмалар натижасида Кольдевей икки афсонага, яъни Семирамида осмабоғи ва Бобил минорасига тааллуқли далилларни ҳам топади. Кольдевей Осмабоғ ҳақида шундай дейди: Бобилнинг шимолишарқий қисмида ғаройиб ертўла бўлиб, у ерда уч шахтали қудуқ сақланган. Шахталар ўз даврида бинони тўхтовсиз сув билан таъминлаган. Энг қизиғи, мазкур бино тошдан ясалган ва малика Семирамида осмабоғининг доимий кўм-кўк, гўзал манзара ҳосил қилишида айнан шу қурилма сабаб бўлган. Бу тош бинода боғнинг барпо этилиши Геродотни ҳам лол қолдирган. Оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлиб қолган бу беназир мўъжиза афсуски, бизгача етиб келмаган.

Унинг фақат ертўла қисмигина сақланган, холос. Халқ афсонасида айтилишича, малика Семирамида тахтни ўғлига топширгандан сўнг, севимли осмабоғидан ўзини ерга ташлаган ва кўздан ғойиб бўлган экан.

Кольдевейнинг яна бир топилмаси афсонавий Бобил минораси бўлиб, у бутун Ғарб дунёсини ҳайратга солган. Бобилликлар уни "Этеменанки" деб аташган. Пойдевори квадрат шаклли, узунлиги 90 м.ни ташкил этган минора тақдири ҳақида қазилмалар чоғида топилган, лойдан ясалган жадваллардаги ёзувлар хабар беради. Юнон тарихчиларининг таъкидлашича, миноранинг биринчи қавати 38 метр, иккинчи қавати 18 метр ва кейинги тўрт қавати 6 метрдан, охирги қаватининг баландлиги эса 15 м бўлган. У ерда бобилликлар худоси Мардуққа атаб қурилган ибодатхона бўлган. Ибодатхона мовий рангли ғишт ва олтиндан безалган бўлиб, узоқдан қуёш нурлари остида жилвланиб кўриниб турган. Афсуски, бугунги кунга келиб миноранинг фақат пойдеворигина сақланиб қолган.

Миноранинг қачон қурилгани номаълум бўлса-да, бироқ подшоҳлар уни бир неча бор қайта тиклагани маълум. Бобил подшоҳи Набополасар ўзининг 75 йиллик хукмронлиги даврида минорани бир неча бор қайта таъмирлаган, лекин уни охиригача битказиш подшоҳнинг ўғли Навуходоносорга насиб этган. Геродотнинг ёзишича, миноранинг энг юқори хонасида олтин стол ва заррин шолча, иккинчи хонасида эса уларнинг худосига бағишлаб ўрнатилган соф олтиндан ясалган нақд 24 тонна келадиган ҳайкал бўлган экан.

Кольдевей изланишлари чоғида плиталардан қурилган ажойиб йўлакни ҳам топади. Йўлак шундай чиройли ва пухта қурилганидан бугунги замонавий йўлларнинг ҳеч қайсиси унга тенг келолмас экан. Қадимги қурувчилар 1 метрли квадрат плиталарни худди ғиштга ўхшаб териб, четларини асфальт билан тўлдиришган. Шунингдек, ҳар бир плита ичига "Мен –Навуходоносор, Бобил подшоҳи, ҳазрат Мардуқ учун бу йўлни қурдирдим" деган ёзув битилган.

Подшоҳ Навуходоносордан сўнг шаҳарни босиб олган форс подшоҳи Кир минорани кўриб, уни келажак авлодлар учун сақлаб қолишни буюрган. Ҳатто, минора минатюрасини ўзининг қабрига қўйишларини васият қилган. Бироқ, замонлар ўтиб, кейинги подшоҳлар бу мўъжизани асраб қололмаган. Дарвоқе, афсоналарда айтилишича, Александр Македонский ҳам Ҳиндистонга юриши чоғида ушбу шаҳарнинг харобалигини кўриб, аскарлари билан икки ой шу ерда қолади ва шаҳарни ободонлаштиради. Шунингдек, Александр буюк шаҳарнинг асосчилари руҳларига эҳтиром кўрсатиб, уларнинг юксак бунёдкорлик маҳоратига тан берган экан.

КЎЗГУ

МАДАНИЯТ ГЎШАСИ

Либослар музейи

Бу музейнинг асосий бойлиги – турли хилдаги рақс кийимлари, хотира дафтарлар, бухоролик зардўзлар томонидан тикилган қадимий кўйлаклардан иборат, ҳатто кўҳна паранжиларни ҳам худди шу ердан топасиз. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий ўзбекча либослар. Топдингиз, бу беназир устоз, ажойиб раққоса Тамарахоним уй-музейидир. Диққатга сазовор жиҳати, бу ерда Тамарахоним 86 тилда қўшиқ ижро этган бўлса, ўша халқларнинг кийимлари музейдан жой олган.

Камолиддин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Тошкент шаҳрининг Дархон маҳалласида ("Ҳамид Олимжон" метроси яқинида) Тамарахоним уй-музейи фаолият кўрсатади. Бу музейни афсонавий раққоса Тамарахоним таваллудининг 100 йиллиги арафасида қўқонлик наққош ва усталар жуда кўркам қилиб таъмирдан чиқардилар. Музейдаги ҳар бир экспонат Тамарахонимга тегишли. Дарвоқе, уй-музей раққоса ҳаётлигида ўзининг ташаббуси билан очилган бўлиб, асосан раққоса саҳнада кийиб, қўшиқ айтган либослари, ўзи учун қимматли бўлган ёдгорликлар, хотира дафтарлари, суратлар ўрин олган.

Музейнинг асосий бойлиги Тамарахоним кийиб рақс тушган либослар, улар – 200 дан ортиқ. Ҳар бир экспонат – у хоҳ либос ёки портрет, хоҳ театр эълони ёки фотосурат, хоҳ китоб ёки газетада босилган мақола – раққосанинг ҳаёти ва фаолиятига алоқадор. Музейда кўҳна паранжи ҳам бор. Бу либосда Тамарахоним кўп маротаба саҳнага чиққан. Унинг кўкрак қисмида безак-нақшни раққосага жамоат арбоби ва бастакор, ўзбек драматургияси асосчиси, миллий театр ижодкори Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий совға қилган.

Халқ ҳофизи Муҳиддин Қори Ёқубовнинг сурати музейнинг энг тўридан жой олган. Бу бежиз эмас, Муҳиддин Қори Ёқубов Тамарахонимнинг энг яқин устози, маслакдоши ва умр йўлдоши ҳам эди. Музейга намойиш учун қўйилган ўзбекча либослар ижодий изланишлари билан дахлдор. Уларнинг ҳар бири маълум бир вилоят ё шаҳар, айтайлик Қўқон, Самарқанд ёки Тошкент аҳлининг ўзига хос урф-одатлари, анъана ва расм-русумлари ҳақида муайян тасаввур уйғотиши билан қимматлидир. Бухоролик зардўзлар томонидан тикилган қадимий кўйлакда Тамарахоним шу элга хос рақсларни ижро этган.

Ўтган асрнинг 20-30 йиллари Тамарахонимнинг ҳам эстрада, ҳам театр саҳнасидаги истеъдоди баббаравар гуллай бошлади. У катта концерт дастурлари ижро этиш билан бирга, мусиқали драматик спектаклларда бир йўла уч қиёфада - раққоса, хонанда ва актриса сифатида ўз маҳоратини намойиш қилар эди. У декоратив санъатнинг Париждаги халқаро кўргазмасида (1925 йил), халқлар ижодининг Москвада бўлиб ўтган олимпиадасида (1930 йил), Лондонда ўтказилган биринчи халқаро фестивалда (1935 йил) вокал-рақс драматик саҳнанинг ўз оҳанги, усулига эга бўлган ҳақиқий намояндаси сифатида тан олинди.

Музейда рус, украин, молдаван халқларининг безаклари туширилган кўйлаклар, бош кийимлар анчагина. Грузия, Арманистон, Озарбайжон либосларига ҳам алоҳида жой ажратилган. Улар орасидан тожик, қирғиз, татар, чуваш, ёқут халқлари кийимлари ҳам жой олган. Ҳар бир либосга фотосурат қадалган: Тамарахоним ана шу либос билан саҳнада рақс ижро этган. Хуллас, Тамарахоним 86 тилда қўшиқ ижро этган бўлса, ўша халқларнинг кийимлари музейдан жой олган.

Кумуш жило берилган ва тепа қисмига ранго-ранг қуш патлари қадалган хитойча бош кийимни Тамарахоним мусиқали спектаклларидаги чиқишларида кийган. У билан ёнма-ён осиғлиқ поляк либоси 1947 йилда Польша бўйлаб қилган гастрол сафари пайтидаги концертларини безаган, Араб либосини президент Жамол Абдул Носир совға қилган. Афғонистон, Индонезия, Туркия, Покистон, Корея, Ҳиндистон, Япония, Мексика каби мамлакатларнинг кийимлари орасида Жавоҳарлал Неру туҳфа этган сари ҳам киши эътиборини тортади.

Шунингдек, музейда либослар билан ёнма-ён хонада раққосанинг фотосуратлари ҳам кўргазма учун қўйилган. Ҳосил маъбудасининг ҳайкалчаси – маршал Чойбалсандан, ўймакорлик усулида нақш солинган тилларанг гулдон эса Раж Капурдан совға. Худди шу жойда Тамарахонимнинг Раж Капур билан Ҳиндистондаги учрашувлари ҳамда Юрий Гагарин билан Алексей Толстой ўз китобини Тамарахонимга тақдим этаётганда тушган суратлари қўйилган.

Жаҳонда либослар акс этган уй-музейлари камдан-кам топилади. Тамарахоним маскани эса нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ва ўзига хос музейлар сирасига киради. Биз музейни кўп айландик, турли одамлар билан суҳбатда бўлдик, уларнинг таассуроти билан қизиқдик. Хулоса шуки, бундай маънавий-маърифий жойларни янада кўпайтириш, миллий экспонатлар сонини оширишга ҳисса қўшиш ва шу орқали ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлашдан иборат.

ЯНГИЛИКЛАР

Фотокўргазма

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳамкорлигида ўзбек фотосанъати асосчиси ва биринчи кино оператори Худойберган Девонов таваллудининг 130 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Кўзиев, киношунос олим Ҳ.Акбаров, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори, тарих фанлари доктори Б.Ҳасанов, адабиётшунос олим Н.Каримов ва бошқалар юртимизда атоқли олимлар, маданият ва санъат намояндалари ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш, улар қолдирган бой маънавий меросдан ёшларни баҳраманд этиш каби тадбирлар ёш авлодни эзгу ғоялар асосида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар маърифатпарвар ижодкор, ўзбек кино ва фотография санъати асосчиси Худойберган Девонов ҳаёти ва фаолиятини атрофлича тадқиқ этишда ҳам намоён бўлмоқда.

Х.Девоновнинг асарлари миллийлиги, XIX аср охири - XX аср бошида юртимиз ҳаёти холис ва ҳаққоний ёритилгани, давр руҳини моҳирона акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир. Ижодкор «Ўлкамиз меъморий ёдгорликлари», «Туркистон кўринишлари» каби тарихий экран асарларини тасмага туширишга муваффақ бўлган.

Кўргазмада Х.Девоновнинг юзга яқин фотоасари, ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар намойиш этилмоқда.

Янги саҳна асари

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри жамоаси томошабинлар эътиборига янги саҳна асарини ҳавола этди. Ёзувчи Сайловбой Жумағулов қаламига мансуб "Ёлғон жинни" асари асосида саҳналаштирилган ушбу томошада бугунги кунда ҳаётимизда учраб турадиган айрим камчиликлар, кулгули воқеалар ўзига хос тарзда талқин қилинган.

Янги саҳна асарини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти, режиссёр Жалғасбой Султабоев саҳнага қўйган. Бош қаҳрамон - Ғойиб ота ролини Қорақалпоғистон халқ артисти Тилепбой Қўчқоров маҳорат билан ижро этмоқда. Спектакль томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маънавият тарғиботчилари танлови

Самарқандда «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан энг фаол маънавият тарғиботчилари, зиёлилар, маънавият тарғибот маркази бўлимлари қошидаги «Мулоқот» гуруҳи аъзолари иштирок этди.

- Бугунги одамларнинг, айниқса ёшларнинг онги ва тафаккурига таъсир ўтказиш, ёт ғояларни сингдиришнинг турли восита ва усуллари пайдо бўлаётган бир пайтда халқимизга хос юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни кенг тарғиб этиш, бой тарихимиз ва маънавий меросимизни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, - дейди маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Йўлдош Суюнов. - Мазкур танлов бу борада маънавият тарғиботчилари томонидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиш, уларнинг маҳорат ва тажрибаларини оширишга хизмат қилмоқда.

Танловда Саломатлик ва тиббий статистика институти Самарқанд филиали директори, «Мулоқот» гуруҳи аъзоси Лайло Алматова ғолибликни қўлга киритди ва республика босқичига йўлланма олди.

КЎРГАЗМА

Амалий санъат, дизайн ва мода намойиши

ёшлар ижод саройида амалий санъат, дизайн ва мода кўргазмаси очилди

Мазкур кўргазма Art Week Style.uz – 2009 санъат ҳафталигининг бошланиши бўлиб, унда ҳунармандларнинг замонага мос санъат асарлари, дизайнерларнинг санъат даражасидаги либослари, шунингдек, "IJOD" Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси вакиллари ишлари, ёш дизайнерлар томонидан яратилган замонавий либослар, пойабзал, аксессуарлар, интерьер, веб-дизайн йўналишидаги ижодий ишлар ҳамда заргарлик кўргазмалари ва машҳур брендлардан янги тўпламлар намойиш этилмоқда.

Айтиш жоизки, амалий санъат йўналишида Раҳимовлар сулоласи вакиллари томонидан ишланган сопол идишлар, жумладан, А.Раҳимовнинг "Қадимий нақшлар бўйича изланишлари", "Каттақўрғон кулолчилик услубида яратган асарлари" сингари кўплаб ижодий ишлари намойиш қилинаётир.

Бундан ташқари, кўргазмадан XIX аср охири XX аср бошларига тааллуқли бўлган республикамизнинг турли минтақаларига хос тумор, бодомой (манглайга тақиладиган безак), сўзана, билакузук, такятун (бош кийими), соч-попук каби анъанавий миллий санъат намуналари ўрин олган бўлиб, булар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

- Британия кенгаши кўмагида мазкур кўргазмага Лондондаги мода коллеж битирувчиларининг ижодий ишларидан намуналар тақдим этилаётир,- дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аспиранти Замира Акрамова. - Ушбу кўргазмага улар томонидан яратилган тўқизта либос намойиш этилиши кўзда тутилган. Таъкидлаш ўринлики, мазкур коллеж ҳамда бизнинг институт, пойтахтдаги тўқимачилик ва енгил саноат коллежи билан мода соҳасида ҳамкорлик алоқалари тўбдан мустаҳкамланмоқда.

Кўргазмада иштирокчилар сулолавий кандакор уста Масъуд Мадалиев яратган ижодий ишлар, қадимий сўзана, заргарлик буюмлари билан бир қаторда ёш дизайнерларнинг қайта тикланган қадимий технологиялар асосида яратилган миллий либосларини ҳам кўриши мумкин.

"Туркистон-пресс"

«Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси қуйидаги материалларни тайёрлаш учун тендер эълон қилади:
- баннер (тиргакли штендери билан);
- плакатлар;
- партия нишонлари;
- календарлар ва чўнтак календарлар;
- папкалар».

ЎГИТ

Гар насиҳатгўйда юз жаҳду жадал,
Тингламоқ ҳам сидқ ила лозим бўлар.

* * *

Қайси кўнгул ичраким кибру ҳаво,
Келди ул тошдин-да қаттиқ, деб нидо

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Машҳур ихтирочи Томас Эдисон Калифорниянинг бир четидан ер сотиб олиб у ерда ўз ихтироларини синаб кўра бошлайди. 1908 йилдан бошлаб бу ерда дастлабки кино олиш майдончаси қурилади. Бу жой сал кейинроқ Голливуд (Hollywood) деб номланади. У ерда олинган биринчи фильмнинг номи "Граф Монте-Кристо" эди. Голливуд тараққиёти ана шундан бошланган.

* * *

Гвинея ер юзидаги иқлими нам ороллар сарасига киради. Бу ердаги ёғингарчилик миқдори йилига 3,7 метрни ташкил этади.

* * *

Мали болалари атига икки йилгина мактабда таҳсил олишади. Уларнинг аксарияти 10 ёшдан бошлаб ишлай бошлашади.

ТУРФА ОЛАМ

"Иккинчи колизей"

Британиялик олимлар Италия пойтахти Рим шаҳри атрофида олиб борган қазишма ишлари чоғида 2 минг нафар томошабинни сиғдира оладиган амфитеатрни аниқлашган.

Археологлар уни "Иккинчи Колизей" деб аташмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу амфитеатр император Троян ва Андриан ҳукмдорлиги даврига тегишли бўлиб, унда гладиатор ҳамда ҳайвонлар жанги ўтказилган. Шунингдек, олимлар амфитеатр қимматбаҳо қурилиш материалларидан қад ростлагани боис, у атайлаб император учун қурилган, деган тахминга боришмоқда.

Энг узун кўприк

Айтишларича, яқинда жанубий-ғарбий Осиёда дунёдаги энг узун кўприкнинг қурилиши бошланар экан.

Аввалига ушбу лойиҳа 3 млрд. АҚШ доллари қийматида баҳоланиб 2008 йилнинг май ойида иш бошлаши керак эди. Мана энди 2010 йилнинг бошида қурилиш бошланиб тахминан 4,5 йилда битказилиши мўлжалланмоқда. Ушбу кўприкнинг узунлиги 40 км бўлиб, у Қатар ва Бахрейн қирғоқларини бирлаштираркан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўприкда автомагистралдан ташқари темир йўл ҳам қурилиб, олдинлари 5 соатдан ортиқ вақт кетган бу масофани яқинда 30 дақиқада босиб ўтилишига эришилади. Кўприкнинг қурилиши билан АҚШнинг KBR компанияси шуғулланмоқда.

Бэтмен учун автоулов

Швецияда "Бэтмен" кинофильми сюжети асосида ажойиб автомобиль яратилди.

"Batmobile" номли ушбу автомобиль "Lincoln Continental 1973 йил" номли базада 3,5 йил давомида йиғилган. Унга махсус тизим асосида овоз танлаш, спутник кузатув, DVD плеер, камера, телевизор ҳатто ҳақиқий бўлмаса-да пулемёт ҳам ўрнатилган. Автоулов 700 от кучига эга бўлиб, у 5 секундда 120 км/соат тезлигида ҳаракат қила олади. Мутахассислар ушбу ажойиб автоуловни 1 млн. АҚШ доллари қийматида баҳолашмоқда.

Хеопс пирамидаси

Мисрлик олимлар Хеопс пирамидасининг қурилиши бошланган кунни аниқлашганини маълум қилишган.



Айтишларича, эрамиздан аввалги 2470 йилнинг 23 августида ушбу пирамиданинг қурилиши бошланган. Гиза губернатори Сайид Абдул-Азиз журналистларга берган интервьюсида 23 август куни шу йилдан бошлаб Гизанинг "Миллий куни" деб нишонланиши ҳамда бундан буён пирамиданинг сурати давлат гербини безаб туришини айтган. Ушбу тадқиқотга раҳбарлик қилган Абдул-Халим Нуриддиннинг таъкидлашича, текширув археологлар, астрономлар ҳамда тарихий ҳужжатлар ёрдамида аниқланган.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши партия республика кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Е.Бауетдиновга акаси

Жумабай ХИЛАЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-923, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Беҳбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.30.

1 2 3 5